Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 22 июнь, шанба • № 49 (10.824) • Эркин нархда сотилади

ИСЛОМ КАРИМОВ ИТАЛИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

20 июнь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Италия Республикасига жўнаб кетди.

Мазкур сафар чоғида мамлакатимиз раҳбари Флоренцияда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви доирасида Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолаш маросимида қатнашади.

— Мазкур битимнинг нафақат иқтисодий ва маънавий, балки сиёсий жиҳатдан ҳам улкан аҳамияти бор, — деди И. Каримов аэропортда журналистлар билан суҳбат чоғида. — Бу Ўзбекистонга Ғарб мамлакатлари дарвозаси яна ҳам кенг очилишига имконият яратади. Бундан ташқари, ушбу ташриф Ўзбекистон-Италия муносабатларини янги босқичга кўтаради деб умид қиламиз.

Илгари хабар қилинганидек, Президент Ислом Каримов Италия сафари ниҳоясига етгач, 23-28 июнь кунлари Америка Қўшма Штатларида ҳам бўлади. Ташриф чоғида мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон-Америка муносабатларини чуқурлаштириш ва кенгайтиришга кўмаклашувчи бир қанча муҳим учрашувлар ўтказади.

— Биз Америкада мамлакат раҳбарлари, вазирлар билан учрашиш барварида, АҚШнинг йирик компаниялари, ишбилармонлари билан ҳам мулоқотда бўламиз, — деди И. Каримов. — Бу Ўзбекистонга Америка сармоясини жалб этишимиз учун яхши имкон яратади. Мазкур ташриф Ўзбекистон жаҳон миқёсида ўзига хос ва ўзига мос ўринни эгаллаётганини кўрсатади.

Тошкент аэропортида Президент Ислом Каримовни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

(ЎзА).



КУМУШ ТОЛА ХИРМОНЛАРИ

Вилоят пиллакорлари 1012 тонна ҳосил топшириб, режаларини анча ошириб бажардилар.

Бу йилги шароитда пилла қурти боқиш осон бўлмади, албатта. Баҳор чўзилди ва табиийки тут баргининг етилиши ҳам анча орқага сурилди. Лекин, пиллакорлар бу қийинчиликларни енгиш учун астойдил ҳаракат қилдилар. Аввало, уруғни жонлаштириш, тарқатиш, пиллакорларга шарт-шароитларни яратиб бериш юзасидан вилоятда катта ташкилотчилик ишлари амалга оширилди.

Бугун бу ишлар ўз самарасини берди. Вилоят пиллакорлари режадаги 1010 тонна ўрнига 1012 тонна кумуш тола топшириб, режаларини анча ошириб бажардилар. Ҳом ашёнинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди.

Вилоят бўйича боқилган 25 минг қути қурт уруғининг ҳар қутисидан олинган пилла ўртача 50 килограммга тўғри келди. Уруғ танлашга алоҳида эътибор берилганлиги ҳам муваффақият гарови бўлди. Бу йил вилоятда асосан пилла қуртининг «Тетро-3», «Тетро-4», «Андижон-1», «Андижон-2» навлари боқилди.

Оққўрғон, Бўка, Бекобод, Ўртачирчиқ туманлари биринчилардан бўлиб режани бажардилар. Оққўрғон туманида ҳар қутидан 53 килограммдан, Бўкада 52 килограммдан ҳосил олинди.

Оққўрғон туманидаги «Маданият», «Хонқа», Бекобод туманидаги «Ғалаба», Навоий номли, Бўка туманидаги Азаматов номли, «Узбекистон», Қуйичирчиқ туманидаги «Узбекистон», «Меҳнатобод», «Ўртачирчиқ» туманидаги Ким Пен Хва, «Қорасув», Янгийўл туманидаги «Тинчлик», Ортиқов номли, Чиноз туманидаги «Гулзоробод», Юқоричирчиқ туманидаги «Ийк-ота» сингари хўжаликларда пилла ҳосилдорлиги 55-60 килограммга етди.

Жуда кўп пиллакорлар ўз тажрибалари, маҳоратларини ишга солиб, ҳар қути қурт уруғидан 60-70 килограммдан пилла топширдилар.

Оққўрғондан Мукаррам Қорабоева, Ўғилой Сулаймонова, Бўкадан Халима Облоқулова, Маҳмуда Ҳайитқулова, Қуйичирчиқдан Болойим Аҳмедова, Бекободдан Клара Дўстматова, Янгийўлдан Муҳаббат Саримсоқова, Ўртачирчиқдан Турсуной Тошова ва бошқалар шулар жумласидандир.

Иқлим шароити бир мунча бошқача бўлган Оҳангарон, Бўстонлиқ туманларининг пиллакорлари ҳам яқин кунларда режани бажариш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Вилоят пиллакорлари режага қўшимча яна 30 тоннадан кўпроқ пилла топшириш учун сўз бердилар.

АҚШ — ЎЗБЕКИСТОН:

ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ АРАФАСИДА

23-28 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатларига ташриф буюради.


Ҳозирги кунда Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ҳамда ҳарбий соҳалардаги ҳамкорлик ўзининг ривожланиш босқичини эгаллади.

Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йил 19 февралда ўрнатилган эди. Мана шу дастлабки даврда Америка томони ўзи учун Ўзбекистон имкониятлари ва унинг ҳаётидаги сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар боришини кузатишни мувофиқ, деб топди.

Кейинги босқичларда АҚШнинг Ўзбекистонга бўлган дастлабки муносабатлари қайта кўриб чиқилди, Америка томони Ўзбекистон билан ҳамкорлик имкониятларини излашга ҳаракат бошлади.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ўзаро сиёсий муносабатлар 1994 йилнинг ўрталарида тезлик билан ривожланиш босқичига кўтарилди. Муносабатлар тараққиётида асосан ҳар иккала томоннинг мунтазам равишда ўтказган сиёсий маслаҳатлашувлари салмоқли ўрин эгаллади. 1994 йил ноябрида бошланган сиёсий маслаҳатлашувларнинг дастлабки 4 та босқичи натижасида томонлар ўртасида муносабатлар сезиларли даражада ижобий томонга ўзгарди.

Ўзаро муҳим масалалар қаторига минтақавий хавфсизлик, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик қилиш, Тожикистон ва Афғонистондаги вазият, ҳарбий саноатни конверсиялаш борасида биргаликда иш юритиш, ноқонуний наркотик моддалар савдоси ва терроризм, қурол-яроқ тарқалишига қарши кураш ва шунингдек, НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида ҳамкорлик қилиш каби соҳаларни киритиш мумкин.



Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар янги даврининг бошланғич нуқтасини ифода этувчи 1995 йил октябрь ойидаги мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ва АҚШ вице-президенти Альберт Горнинг Оқ уйда бўлиб ўтган учрашувлари чоғида икки томонлама алоқаларни кенгайтириш, МДҲдаги вазият, Афғонистон ва Афғон-тожик муаммолари ҳамда Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик масалалари атрофлича муҳокама этилди. Вице-президентнинг эътироф этишича, АҚШ Марказий Осиёга нисбатан стратегик қизиқишларга эга ва унинг истиқболини аввалambор Ўзбекистон орқали тасаввур этади. Америка расмий доиралари таъкидлаганларидек, мазкур учрашув ҳар иккала томоннинг дўстона ва ўзаро интилишларини намойиш этди ҳамда ҳукуматлар ўртасида янада яқин алоқалар ўрнатишга кенг йўл очди.

Шу йилнинг март ойида АҚШ сиёсатининг МДҲ бўйича Бош координатори Жеймс Коллинз иштирокида бўлиб ўтган навбатдаги ўзбек-америка сиёсий маслаҳатлашувларида 1996 йил икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилиши лозимлиги таъкидланди. АҚШнинг Ўзбекистонга нисбатан сиёсати «Хавфсизлик билан таъминланган мустақил Ўзбекистон»нинг бунёд этилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир. АҚШ Ўзбекистоннинг мавжуд имкониятларини ҳисобга олиб, уни минтақадаги барқарорликни таъминловчи асосий омиллардан бири, деб билади, шунингдек, америкаликлар Ўзбекистон Республикаси бугунги кунда афғон ва тожик халқаларининг бартараф этилишида муҳим ўрин эгаллашини эътироф этишмоқда.

Ўтган йили АҚШ мудофаа вазири Уильям Перрининг мамлакатимизга қилган ташрифи ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик тараққиётида ўзига хос босқични бошлаб берди.

Ўзбекистон мудофаа вазирининг октябрь ойида АҚШга жавоб ташрифи Тошкент учрашувининг мантиқий давоми бўлди. Ушбу учрашувлар натижаси ўлароқ «Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари мудофаа вазирликлари ўртасида ўзаро тушуниш ва ҳамкорлик тўғрисида меморандум» имзоланди.

1995 йил август ойида мамлакатимиз қуролли кучларининг алоҳида взводи Америка томони ҳамкорлигида Луизиана штатида ўтказилган НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги ҳарбий ўқув машқларида фаол қатнашди.

Шу йил май ойида мамлакатимизга АҚШ савдо вазири ўринбосари Берри Картер раҳбарлигидаги делегациянинг ташрифи чоғида ўзбек-америка ҳарбий саноат конверсияси масалалари бўйича комиссиясининг биринчи йиғилиши ўтказилди. Унинг ниҳоясида эса «Ўзаро тушуниш тўғрисидаги меморандум» имзоланди.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун ишончли шартномавий ва ҳуқуқий асослар яратилмоқда. 1994 йил декабрида Вашингтонда сармояларни кенгайтириш ва уларни ўзаро ҳимоялаш тўғрисида шартномага эришилди. Ҳозирги кунларда эса экспертлар томонидан яна бир муҳим ҳужжат-икки томонлама солиқ олишдан озод қилиш тўғрисида шартнома тайёрланмоқда. Ўтган йили Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирининг АҚШга қилган ташрифи чоғида — 20 июнь куни шу мамлакат котиби ҳамда Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири томонидан ишбилармонлар ва сайёҳларнинг бориб-келишлари учун қулайлик яратувчи ҳар икки давлат фуқароларининг мазкур мамлакатлар ҳудудларида эркин ҳаракат қилишлари тўғрисида меморандум имзоланди.

Шу йилнинг март ойида Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ ўртасида консуллик масалалари бўйича қўшма баённотга қўл қўйилди.

9-15 апрель кунлари савдо ва тараққиёт бўйича агентликнинг минтақавий директори Д. Стайн бошчилигидаги делегация Ўзбекистонда бўлиб, мамлакатимиздаги фойдали қазилмаларнинг геологик ҳолатини ва Америка компаниялари ҳамкорлик имкониятлари учун тендер ҳужжатлари билан таништирилди. АҚШнинг савдо ва тараққиёт бўйича агентлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашуви режалаштирилган. Шунингдек, Ислом Каримовнинг АҚШ сиёсатчилари ва ишбилармонлари билан ҳам учрашувлари режалаштирилган.

— Шэрон Уайт хоним, Ўзбекистон жаҳонда тинчликсевар мамлакат сифатида аллақачон ўз сиёсатини исботлади.

Ўтган йили АҚШ, Ўзбекистон ва бошқа қатор давлатлар ҳарбийлари ҳамкорликда НАТО дастури доирасида ўтказган «Кооператив Наггет — 95» ўқув машқлари бу йил яна давом эттирилиши мўлжалланмоқда. Айтинг-чи, навбатдаги ўқув машқларининг ўзига хос қандай сифатлари мавжуд?

— Бу йил биринчи марта Ўзбекистон аскарлари Қозоғистон ва Қирғизистон ҳарбийлари билан бирга Марказий Осиё қўшма батальони таркибида иштирок этадилар. Ўйлайманки, бу ўз навбатида мустақил Ўзбекистоннинг Марказий Осиё ва дунёдаги эрксевар мамлакат эканлигини яна бир бор намоён этади.

***

АҚШнинг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили Шэрон Уайт хонимнинг бизга яна маълумот беришича, келажакда мамлакатларимиз ўртасида турли мавзуларда йирик лойиҳалар алмашилади. Шунингдек, икки томонлама дастурлар, қатор муҳим соҳалардаги доимий делегациялар ва фантажриба борасида мутахассис, талаба ҳамда мактаб ўқувчилари алмашуви кенгайтирилган тарзда давом эттирилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг АҚШга навбатдаги сафари Ўзбекистоннинг кенг ҳамкорлик имкониятларини уммон орти мамлакатига янада яқинроқ таништиради. Зеро, инсон эркинлиги ва ҳуқуқлари устивор бўлган, янги иқтисодий барқамол давлат қурилишида жаҳондаги ривожланган ҳамда тажрибали мамлакатлар билан алоқаларни яна бир карра мустаҳкамлаш — бу аҳамияти беқиёс ҳаракатдир.

Беруний ОЛИМОВ,
«Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири.

Мана, эллик беш йилдирки, машъум иккинчи жаҳон урушининг асоратлари унутилмайди. Ўзбекистонда ҳам бу уруш туфайли жафо тортмаган хонадон йўқ ҳисоби. Ушбу урушдан сўнг рўй берган яна бир машъум воқеа мамлакатимиздаги бир қатор оилалар қалбидаги ярани янгилади. Энг ачинарлиси, айрим укаларимиз, фарзандларимиз ана шу фожеа қурбони бўлдилар. Уларнинг айримлари бир умрга ногирон бўлиб қолдилар. Бу мусибатларнинг барчаси афғон уруши туфайли юз берди.

Вилоят ҳокимлигида

УЛАРГА ДОИМИЙ ЭЪТИБОР КЕРАК

Биргина Тошкент вилоятининг ўзида бугунги кунда 6955 нафар афғон уруши иштирокчилари яшамоқда. Уларнинг 189 нафари ногирон. Афғон урушида ҳалок бўлганларнинг 212 оиласи бор.

Республика ҳукумати афғон уруши иштирокчилари, ногиронлари ва урушда ҳалок бўлганларнинг оилалари тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилиб келмоқда. Уларга бир қатор имтиёзлар яратилган. Лекин, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳамма жойда ҳам Республика Президенти фармонлари ва ҳукумат қарорлари тўлиқ ижро этилмаяпти. Байналмилалчи жангчилар ва уларнинг уюшмалари олдида қатор муаммолар пайдо бўлмоқда. Айниқса, шароит бугунги кунда уларга алоҳида эътибор бериш зарурлигини кўрсатмоқда.

19 июнь куни Тошкент вилояти ҳокимлигида бўлиб ўтган байналмилалчи (афғон уруши иштирокчилари) жангчилар вилоят уюшмасининг конференциясида ана шулар ҳақида гап борди.

Йиғилишда вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқарма бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимларининг муовинлари, байналмилалчи жангчилар уюшмаларининг шаҳар, туман бўлимларининг вакиллари иштирок этдилар.

Уюшманинг Тошкент вилояти бўлими раиси Исроил Худойқулов ўз маърузасида бу борада жойларда амалга оширилаётган ишлар, муаммолар, камчиликлар тўғрисида тўхталди. Шуни айтиш керакки, Бўстонлиқ, Қуйичирчиқ, Қибрай туманлари ва Олмалиқ шаҳрида афғон уруши қатнашчилари ва урушда ҳалок бўлганлар оилаларининг яшаш шароитларини яхшилаш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Афсуски, байналмилалчи жангчилар уюшмаларига барча туман ва шаҳарларда ҳам ана шундай етарли эътибор берилмаяпти. Ҳатто, баъзи жойларда бу уюшманинг бўлимлари ҳалигача ташкил этилмаган. Айрим ҳолларда улар ўзларига яратилган имтиёзлардан, имкониятлардан фойдалана олмаяптилар. Тўсиқларга дуч келмоқдалар. Уюшмалар қошида ташкил этилган кичик корхоналарни ривожлантиришга кўмак берилмаяпти. Уларга кўрсатилаётган тиббий хизматнинг аҳволи ҳам қониқарли эмас.

Дарҳақиқат, йиғилишда сўзга чиққан байналмилалчи жангчилар республика кенгашининг раиси Ботир Маҳмудов, бир қатор туман, шаҳар уюшмаларининг раислари ҳам ҳозирги кунда юзага келган муаммоларни тезроқ бартараф этиш хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Байналмилалчи жангчилар уюшмасининг конференциясида Тошкент вилояти ҳокими Эркин Рўзиев сўзга чиқди.

Байналмилалчи жангчилар уюшмаларининг ишини жонлантириш, туман ва шаҳарларда уюшманинг бўлимларини ташкил этиш, ҳар бир афғон уруши иштирокчиси, ногирони ва оиласи эътиборда бўлиши кераклиги, уларни иш билан таъминлаш, тиббий хизмат кўрсатиш савиясини ошириш, уюшмалар қошида кичик ва корхоналарни ривожлантириш учун маблағ ажратиш юзасидан бўлим ва бошқармаларга, шаҳар, туман ҳокимликларига тегишли кўрсатмалар берилди. Вилоят ҳокими, айниқса, республика ҳукумати томонидан белгиланган имтиёзланган тўлиқ фойдаланиш лозимлигини таъкидлади.

Йиғилишда бозор иқтисодиёти шароитида ҳудудий уюшмаларнинг ишини ривожлантириш ва бу борада амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар чуқур муҳокама этилди. Шунингдек, йиғилишда байналмилалчи жангчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлимининг 2000 йилгача бўлган ҳаракат дастури тасдиқланди. Уюшма вилоят кенгашининг янги таркиби сайланди.

Конференцияда кўрилган масалалар юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг муовини, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси Сайёра Хўжаева иштирок этди.

ФИКРЛАШИБ ОЛДИЛАР

Қўшни Қозоғистон билан алоқаларимиз тобора ривожланмоқда. Куни кеча Алмати вилоят касаба уюшмалари раиси Мирзагали Молдахмедов билан Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгашида учрашув бўлиб ўтди. Унда Тошкент вилояти касаба уюшмалари идораси ходимлари ва тармоқ вилоят кўмиталари раислари иштирок этдилар. Давра суҳбати шаклида ташкил этилган йиғилишда Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгашининг раиси М. Тўлаганова ва Алмати вилоят касаба уюшмалари кенгашининг раиси М. Молдахмедов бозор иқтисодиёти шароитида касаба уюшмалари фаолияти, эришилган тажрибалар, бундан кейинги вазифалар ҳақида сўзладилар. Шундан сўнг фаоллар билан ўзаро савол-жавоблар бўлиб ўтди. Чунончи, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни яхшилаш, соғломлаштириш ишлари, шартнома асосида ишлаш, бўлиниб кетган хўжаликларда бирлашган касаба уюшма ташкилотларини тузиш, меҳнаткашлар ҳордиғини уюштириш, аҳолини иш жойлари билан таъминлаш ва бошқа масалалар юзасидан мунозаралар бўлди. Шунингдек, бундан кейин ҳам ҳамкорликни ривожлантириш, илғор тажрибалар билан ўртоқлашиш ҳақида фикрлашиб олдилар.

Будир ПЎЛАТОВ.

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«ПЕШОНА ТАҚ ЭТИШИ ШАРТМИ?»

ГАЗЕТАМИЗНИНГ шу йил 12 июнь сонида юқоридаги сарлавҳа билан таҳлилий мақола босилган эди. Унда вилоят «Дори-дармон» давлат акционерлик бирлашмаси тизимидаги айрим дорихоналар фаолиятида йўл қўйилган қонунбузарликлар, суиистеъмолликлар, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишдаги камчиликлар вилоят солиқ бошқармаси текширувларида аниқланган далиллар асосида танқид қилинган эди. Мазкур мақолага вилоят «Дори-дармон» давлат акционерлик бирлашмаси бош директори Ш. Пўлатов имзоси билан жавоб олинди.

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг 12 июнь сонида чоп этилган «Пешона тақ этиши шартми?» сарлавҳали мақола акционерлик бирлашмасида атрофлича муҳокама этилди,— дейилади жавоб хатида,— унда бирлашма аъзолари, шаҳарлар, туманлар акционерлик жамиятлари раислари иштирок этдилар. Муҳокамада танқид тўғри ва холис бўлганлиги тан олинди. Ўз ишларида қўпол хатоликларга, қонунбузарликларга йўл қўйган дорихоналарнинг раҳбарларига нисбатан жазолаш чоралари кўрилди. Жумладан, Бекобод «Дори-дармон» АЖ раиси Т. Йўлдошев, Ангрен шаҳри «Авиценна» АЖ раиси У. Умировлар охирги марта огоҳлантирилдилар. Тошкент, Оҳангарон, Паркент, Юқоричирчиқ туманлари ва Чирчиқ шаҳри АЖ раислари-Ш. Соатов, Қ. Азизов, М. Мирбобоев, А. Аъзамов, С. Мираюбовларга ишларидаги хато ва камчиликлар яна бир бор кўрсатиб ўтилди. Бундай қўпол нуқсонлар такрорланган бўлса, уларга нисбатан қатъий чоралар кўрилиши уқтирилди. Оҳангарон туманидаги 75-дорихона, Ангрен шаҳридаги «Юлдуз» масъулияти чекланган жамият, Чирчиқ шаҳридаги 228-дорихона, Юқоричирчиқ туманидаги «Абдуқодирий», «Исмоил» хусусий дорихоналари, Тошкент туманидаги «Валихўжа», Паркент туманидаги «Дармон», «Ибн Сино» хусусий дорихоналари қайта текширилиб, лицензия комиссияларига лицензияларидан маҳрум этишни тавсия қилиш бўйича ҳужжатлар тайёрлашга қарор қилинди».

ЯНАДА БАЛАНДРОҚ ЯНГРАСИН ҚЎШИҚ

Дунёда на миллат, на чегара билмайдиган улкан бир «мамлакат» бор. У — ҳамма халқлар учун бирдай тушунарли ва бирдай севимли бўлган САНЪАТдир. Санъат қайси кўриниш ва қайси шаклда бўлмасин, ўз халқининг ижтимоий ҳолатини, миллий маданияти ва маънавияти савиясини дунёга кўрсатадиган, халқларни бир-бирига яқинлаштирадиган муҳим восита ҳисобланади. Худди шу маънода Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган ва ўтказилаётган «Ўзбекистон - ватаним маним» янги қўшиқлар кўрик-танловининг асл моҳияти биз ўйлагандан кўра чуқурроқ ва аҳамиятлироқдир.

Очиғини айтиш керак, кўрик-танловни ўтказиш ҳақидаги ушбу қарор оммага етказилиши биланоқ қанчадан-қанча ҳувиллаб ётган клуб ва маданият саройларига гўё қайтадан жон кирди, турли сабабларга кўра тарқалиб кетган халқ дасталари яна бирлашди, янгиларини бунёд бўлди, ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган истеъдодлар «мана ман» деб муҳлислар истиқболига отилиб чиқди... Дарҳақиқат, кейинги пайтда жойлардаги масъул раҳбарларнинг лоқайдлиги туфайлими, ҳар ҳолда санъатни ривожлантириш соҳасида анча-мунча муаммоларга дуч келинаётганди. Ҳақиқат аччиқ бўлади, деганларидай, мавриди келганда айтиб ўтмоқчимиз, баъзи туман ва қишлоқ клубларига, хатто, мухташам маданият саройларига ҳам деярли одам қадами тегмай қўйган пайтлар бўлди, янги номларни излаб топиш, янги асарларни халққа етказиш, турли маданий тадбирлар ўтказиш кимнингдир ҳаёлига келса, кимнингдир ҳаёлига келмади. Янги қўшиқлар кўрик-танловини ўтказиш ҳақидаги ҳукумат қарори ана шу каби камчиликларнинг юзини очганини ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда миллий санъатимизни янги йўналишда шакллантиришга катта туртки бўлганлигини бугун оддий ҳаваскор ҳам, ижодкор ҳам, мутахассислар ҳам тан олмоқдалар.



Мен кўрик-танловни ўтказиш бўйича Тошкент вилояти қўшиқчилик хайъатига аъзо қилинганимдан кейин, худди шу масала бўйича бир қанча шаҳар ва туманларда бўлдим, ёш ижодкорлар билан суҳбатлашдим, бир қанча янги қўшиқларни биргаликда ўргандик, биргаликда изландик. Менга энг ёққан нарса шу бўлдики, бу ерда эл оғзига тушиб қолган истеъдодли санъаткорлар ҳам, эндигина санъат йўлида атак-чечак қилаётган ҳаваскорлар ҳам, хатто, умрида бирор марта саҳнага чиқмаган, лекин, ўзича қўшиқлар куйлаб юрган қариялар ҳам ушбу кўрикка катта иштиёқ ва меҳр билан келдилар. Гоҳи кунлари навбат кўплигидан то қоронғу тушгунча қўшиқ тинглаганимиз ва баҳолаганимизни мамнуният билан эслайман. Халқимизнинг ниҳоятда санъатга ўчлиги, уни тушуниши ва қадрлай олишини танловнинг дастлабки босқичларидаёқ кўрсатди-қўйди. Сўнгги босқичларда ҳам муваффақиятли иштирок этиб, халққа манзур бўлдиларган қўшиқлари билан ўз мухлисларини топган бўкалик Адҳам Хожиев, Бахтиёр Умиров, янгийўллик Нурмуҳаммад Мирзааҳмедов, ангренлик Абдукарим Бобораҳимов сингари бир қанча истеъдодлар шахсан мен учун ҳам янги кашфиёт бўлди. Эндиликда бундайларнинг ижодини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, янги муваффақиятларга рағбатлантириш, яхшироқ ижод қилишлари учун шароитлар яратиб бериш чораларини кўриш лозим.

Ватан мавзуи, туғилган юрт ва халққа меҳр-муҳаббат мавзуи ўлмас мавзулардир. Ватанни мадҳ этувчи янги қўшиқлар кўпайгани юртга фидойи фарзандларни камол топтиришда ўзига хос йўл очиши билан изоҳланади. Мен бу мавзу ҳеч қачон тўхтамаслиги, бугунги иштиёқ ва шижоат сираям бўшашмаслиги тарафдориман. Энг муҳими, кўрик-танлов туфайли шоирлар, бастакорлар ва ижрочилар бирлашдилар. Бу ниҳоятда қувончли ҳодиса. Мен эса хонанда ва бастакор сифатида шу вилоят учун, унинг исланувчан ижодкорлари учун қўлимдан қандай ёрдам келса, ҳаммасини қилишга тайёрман.

Азим МУЛЛАҲОНОВ,
Қозоғистонда хизмат кўрсатган артист, хонанда.

● *Ўзбекистон ва жаҳон*

ЕВРОПА — УЙҒОНГАН «БЕШИК»

Италияни цивилизациянинг бешиги дейдилар. Дарҳақиқат, ундаги янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни бевосита қўшни мамлакатлар, баъзан эса бутун Европага таъсир этган. Европа тараққиёти истиқболини белгилаб берган Уйғониш даври ҳам айнан Италиядан бошланган.

Шуни айтиш керакки, Италиянинг яқин давргача бўлган тарихи зиддиятлардан иборат. XX асрнинг биринчи ярмидан иккинчи жаҳон уруши тугагунча Италия иқтисодиёти ҳарбийлашган, мамлакатда эса монархия тузуми ҳукмрон эди. Иккинчи жаҳон уруши тугагандан сўнг Италия халқи ўз тақдирини узил-кесил белгилаб, демократик тараққиёт сари қадам қўйди.

Мана, орадан ярим аср ўтиб, Италия жаҳондаги иқтисодиёти энг ривожланган етти мамлакатнинг бирига айланди. Италия тиғ билан эмас, ўз маҳсулотлари билан дуёни забт этди. Бугун «Италияда тайёрланган» сўзлари битилган маҳсулотлар рақобатбардошлиги билан дунё бозорида катта мавқени қўлга киритган. Шу боис, мамлакат экспортдан катта даромад олади. Айни вақтда Италия экспортининг импортдан қарийб икки баробар кўплигини ҳисобга оладиган бўлсак, унинг нақадар иқтисодий қудратга эришганига амин бўламиз.

Хўш, иккинчи жаҳон урушидан вайрон бўлиб чиққан мамлакат тез орада қандай қилиб ўзини тиклаб олди? Аввало италияликларнинг тинимсиз меҳнати, қолаверса, 1947 йилда мамлакатда бошланган иқтисодий ислоҳотлар республика истиқболини белгилашда муҳим ўрин эгаллади. Ислоҳотлар бошланганига ҳали кўп вақт ўтмай — 1950 йиллардаёқ Италия аграр республикадан саноати ривожланган мамлакатга айланди. Италия ҳукумати иқтисодий ислоҳотлар даврида, асосан, оғир саноат, хусусан, машинасозлик, енгил саноат ва нефтни қайта ишлаш соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратди. Кичик ва ўрта бизнесни тараққий эттириш эса ҳукумат ички иқтисодий сиёсатининг стратегиясига айланди. Албатта, бу ишларни навқирон республика танҳо ўзи амалга оширa олмас эди. Бунинг энг мақбул йўли танланди — чет эллик шериклар билан ҳамкорлик кучайтирилиб, миллий иқтисодиётга хорижий сармоялар жалб этилди.

Кейинги йилларда Европадаги айрим мамлакатлар иқтисодиётида ўсиш суръатларининг секинлашуви жараёни сезилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу иқтисодий турғунлик Италияни ҳам четлаб ўтмади. Лекин 1995 йил Италия иқтисодиёти учун муваффаққиятли бўлди. Ялпи миллий маҳсулот 3 фоизга ўсди. Бу жиҳатдан Италия Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар орасида биринчи бўлди. Айниқса, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қарийб тўрт ярим фоизга ошди.

Италия саноати ҳақида сўз борар экан, биринчи навбатда унинг сифатли пойафзаллари, бежирим кейим-кечаги ва жаҳонга машҳур «Фиат», «Альфа ромео» каби автомобиллари киши кўз ўнгида намоён бўлади. Дарҳақиқат, машинасозлик саноати Италия иқтисодиётининг таянчи саналади. Кимё ва нефтни қайта ишлаш саноати ҳам мамлакат миллий иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Бироқ, саноатнинг ривожланиб бориши энг йирик муаммони ҳам келтириб чиқармоқда. Атроф муҳитнинг ифлосланиши ана шу муаммолардан биридир. Шунинг учун жамият экология ҳақида ҳамиша ғамхўрлик қилиши керак. Италияда бу муаммо билан олтмишинчи йиллардаёқ жиддий шуғулана бошланган эди. Яъни саноат чиқиндиларидан экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўшандан буён нефт ва кимё корхоналари чиқиндилари — олтингугурт ва азотнинг экологияни бузғаши кескин камайди. Кейинги йилларда Италияда кишиларнинг узоқ умр кўраётгани ва юрак хасталиги каби турли хил касалликлар камайгани атроф муҳитнинг покланиб бораётганидан дарак беради. Айни вақтда Италия бу борада деярли барча Европа мамлакатларини ортда қолдирди. Бугунги кунда эркаклар умрининг ўртача давомийлиги 74 йил, аёлларники эса 80 йилга етди.

Ўзбекистон билан Италия ҳамкорлиги гарчанд анча илгари бошланган бўлсада, ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг, муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш учун катта имконият пайдо бўлди. Икки мамлакат ўзаро дипломатия алоқаларини ўрнатди. Қисқа давр ичида республикамизда италиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхоналар сони кўпайди. Албатта, Ўзбекистонда хорижий сармоялар учун яратилган қулай шарт-шароит бунинг асосий омили бўлди. Италиянинг йирик фирма ва компаниялари республикамизга тобора кўпроқ сармоя олиб киришга интилаётгани ҳам шундан дарак беради. Бугун Ўзбекистонда озиқ-овқат, енгил саноат ҳамда савдо-сотиқ соҳаларида Италия билан ҳамкорликда ўнлаб қўшма корхоналар муваффақиятли фаолият юритмоқда. «Совпластитал» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси республикамизда ишлаб чиқаришдан катта даромад олаётган ана шундай корхоналардан бири. Куни кеча «Ўзбектелеком» ва Италиянинг «Стет интернейшнл» концернлари Ўзбекистондаги телекоммуникация тармоғини яхшилаш мақсадида «Удинет» номли янги қўшма корхонага асос солди. Мазкур корхона 1999 йилгача 200 миллион АҚШ доллари миқдоридаги сармояни ўзлаштириб, Ўзбекистондаги телефон тармоқларини кенгайтириш билан шуғулланади.

Ўзбекистон ва Италия иқтисодий муносабатлари ривожланган сайин икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми ҳам кенгайиб бораяпти. Масалан, 1994 йилда Ўзбекистондан Италияга 200,4 миллиард Италия лираси миқдорида маҳсулот экспорт қилинган бўлса, 1995 йилда бу кўрсаткич қарийб икки баробар ортди. Айни пайтда, Италиядан мамлакатимизга 49,5 миллиард лира миқдорида маҳсулот келтирилди.

Бугун Италиянинг халқаро майдондаги обрўси ғоят баланд. Йирик халқаро масалаларни ҳал этишда Италиянинг муҳим ўрни бор. Айни вақтда мамлакат Европа Иттифоқига раислик қилмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Италияга сафари чоғида Флоренцияда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг олий даражадаги навбатдаги учрашуви доирасида Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолаш маросимида қатнашади. Мазкур битимнинг имзоланиши Европа мамлакатлари, жумладан, Италия билан ҳам алоқаларимизни янада ривожлантиришга имкон яратади.

Сангин ЖАББОРОВ,
ЎзА шарҳловчиси.



Фашист босқинчилари бошлаган иккинчи жаҳон уруши миллионлаб кишиларнинг ёстиғини қуритди. Аср фожиаси бўлиб тарихга кирган бу қирғинбарот қанчадан-қанча оилалар бошига мусибат солмаган дейсиз? Лаънати уруш минг-минглаб ўзбекистонлик мард ўғлонларни ҳам ҳалок этди. Лекин уларнинг номи, жасорати сира унутилмайди. Улар ҳамиша биз билан. Мамлакатимиз вилоятлари, шаҳарлари, туманлари, қишлоқларида урушда ҳалок бўлганлар хотирасига ёдгорликлар, ҳайкаллар ўрнатилган. Уларнинг номлари мармарларга абадий муҳрланиб қўйилган.

СУРАТДА: Янгийўл шаҳри уруш ва меҳнат фахрийлари чапдан Амир Омонов, Шукур Солиев ва Йўлдош Рихсибоевлар қуролдош дўстлари хотирасига атаб ўрнатилган ёдгорлик пойига гуллар қўйишмоқда.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Ҳосил-96 **Тезкор матбуот гуруҳи хабар беради:** **Ҳосил-96**

ТЕЛЕФОНЛАР: 33-64-95, 33-70-10, 33-90-82, 39-12-93

КЎНГИЛ ТЎЛДИМИ, РЕЖА ҲАМ ТЎЛАДИ

Ўз ишидан, меҳнатидан ва бу меҳнатининг самарасидан кўнгли тўлган одамнинг кайфияти чоғ, самимий, сўзлари ҳам бурро ва «кескир» бўлади. Мана бу Бекобод туманидаги Абдураззоқ Мавлонов номли жамоа хўжалиги ғаллазорларидан олинган расмларга боқиб беихтиёр шундай фикрга келасан, киши. Яхши ният билан уруғ қадаб, эрта куздан то кеч баҳоргача тиним билмай меҳнат қилган ғаллакорлар бугун салмоқли, баракали хирмон уймоқдалар. Бошоқлар бўлиқ, дейишди ғаллакорлар, ҳозирги ўрим-йиғимнинг боришидан кўнглимиз тўляптими, демакки, биз ишонамиз, белгиланган режа ҳам ортиғи билан тўлади, бажарилади.

Суратда: илғор комбайнчи Ўрозқул ва Рустам Сариқуловлар.



ПЕШМА-ПЕШ

ОЙБЕК номли жамоа хўжалиги ғаллазорларида бугун ўзгача манзара. Ризқ-рўзимиз, дастурхонимиз кўрки, ҳаётимиз манбаи бўлмиш буғдой пишиб етилди. Далада ҳаёт қайнамоқда. Хўжаликда ўрим-йиғим ишларини тез ва сифатли ўтказиш учун ҳамма чоралар кўрилмоқда. Аввало иш бораётган ерда қулай шарт-шароитлар яратилган. Комбайнчилар, дала меҳнаткашлари ҳар куни икки маҳал иссиқ овқат билан таъминланган.

Ғаллазорларда 8 та комбайн ишлаб турибди. Ҳар куни 50-60 гектар ердаги буғдой ўриб-янчиб олинмоқда. Дон пешма-пеш хирмонга жўнатиляпти. Хўжаликнинг Муҳаммад Баҳромов бригадасида Дониёр Суннатов, Николай Ҳосидов, Ўнар Ризаев каби комбайнчилар мўлжалдаги ҳосилни олишмоқда.

Бу йил жамоа хўжалик ғаллакорлари 4000 тоннадан ортиқ дон етиштиришга аҳд қилганлар. 1320 гектар ерда мўл, режага яраша ҳосил борлиги дастлабки кунлардаёқ аён бўлмоқда. Ўрилаётган ҳар гектар ер ҳисобига 34 центнердан дон янчиб олинмоқда.

Хўжаликнинг Маманазар Қаюмов, Шодмон Комилов, Ризоқул Шодиев ва бошқа ўнлаб ғаллачилик бригадаларида ҳам серҳосил бошоқларни кўриб мўл дон хирмони яратилишига ишонч ҳосил қилдик.

Дала ишларига ҳар беш кунда якун ясалмоқда. Илғорлар эса мукофотланиб борилаётир.

Туманнинг бошқа жамоа хўжаликларида ҳам ғалла ўрими оммавий суръатларда бошлаб юборилди.

Қобилжон БЕГМОНОВ,
Турсунали УСМОНОВ,
Бекобод тумани.

АЛИЖОННИНГ ТОННАЛАРИ

Ғалла хирмонининг салмоқли, баракали бўлишида ўрим муддатини тўғри белгилаш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам раис Юсуф Валиев бу борада етти ўлчаб, бир кесишга одатланган. У ҳар куни эрта тонгда буғдойзор оралайди. Мана бугун ҳам у комбайнчи Алижон билан далада. Раис сал ичкарироқ киргач, бир тупдаги бошоқни кафтига олиб, уқалади. Бир ҳовуч дон!

— Ана энди бемалол бошласак бўлаверади, — деди у Алижонга ўгирилиб. — Сен нима дейсан, ука?

— Ҳосил роса пишиб етилибди, раис бува, энди кечиктирсак, ютқазиб қўямиз.

— Пўлат отларинг эгарлоқликми?

— Ана пайкал рўпарасига олиб келиб қўйганман.

Алижон гапини тугатмаган эди-ки, узоқдан уч-тўрт комбайнчи машиналарни гуриллатиб, улар томонга кела бошлади...

— Қани, бошладик ука, — деди раис.

Алижон чапдастлик билан комбайнга ўтирди ва ўт олдирди ғаллазор томонга бурди. Кўп ўтмай белоён ғаллазорлардаги комбайнларнинг гуриллаган товуши ҳамма ёқни тутиб кетди. Биринчи куни эмасми. Алижон ҳам, шериклари ҳам ғоят эҳтиёткорлик билан ишладилар. Кеч кирди, қош қорайди. Дастлабки ҳисоблар чиқарилди. Ҳар бир комбайнчи 3 гектардан ортиқ майдондаги ғалланы ўриб, янчибди. Ҳосилдорлик 40 центнерга тўғри келяпти. Чакки эмас!

... Бўка туманидаги «Бўстон» жамоа хўжалигида бу йил 1500 гектар майдонда ғалла етиштирилди. Деҳқонлар ўтган йилги йўл қўйилган камчиликлардан сабоқ чиқариб, орттирган тажрибаларини бойитиб, ғалла экиш ва уни парвариш қилишга алоҳида эътибор бердилар. Асосий майдонларга кузда ўз вақтида ғалла уруғи сепиб қўйилганлиги ҳосилнинг мўл бўлишида асосий омил бўлди. Эрта баҳорданоқ парвариш кучайтирилди. Оқибатда асосий майдонларда мўлжалдаги ҳосил тўпланди.

Айни кунларда жамоа хўжалиги ғаллазорларида 20 та комбайн ишлаяпти. Дастлаб ҳар бир комбайнчи 3 гектардан ғаллани ўриб-янчган бўлса, бу суръат тобора ошиб боряпти. Алижон Тўраев ўримда пешқадамлик қиляпти. Унинг ҳамкасблари Акмал Душаев, Тўлабой Аливлиев ва бошқалар ҳам самарали меҳнат қиляптилар. Ҳар бир кун, ҳар бир соатдан унумли фойдаланмоқдалар.

Бунинг бойиси бор. Ғалла ўрим-йиғимини бу йилги шароитда энг узоғи билан бир ойда якунлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилганида биринчи навбатда комбайнчиларга зарур шарт-шароитларини яратиб бериш, моддий манфаатдорлигини ошириш, меҳнатларига ҳар беш кунда рағбатлантирилган ҳақ тўлаб туриш масаласига катта эътибор берилди. Дейлик, бир комбайнчи бир гектар ердаги ғаллани ўриб янчиб берса, бунинг учун унга 100 сўм пул тўланади. Бу бир. Иккинчидан: унинг ўзига ҳам, ўринбосарига ҳам бир гектардан 40 центнердан ғалла ўриб-йиғиб берса, бу ҳосилнинг 32 килоси хомашё сифатида унга мукофот қилиб берилади. Ана энди ҳисоблайлик. Агарда битта комбайнчи бир кунда 5 гектар ғаллани ўрса ва 40 центнердан ҳосил топширса нақд 160 килограмм буғдойга эга бўлади! 10 кунда қанча бўлишини ўзингиз ҳисобланг. Қисқа вақт ичида мўмай даромад қилиш имконияти бор. Албатта, ҳеч бир комбайнчи бу имкониятни бой беришни сира-сира ҳаёлига келтирмайди.

Айни шу кунларда Бўканинг 13500 гектарлик ғаллазорларида ўрим-йиғимнинг авж олиб кетганлиги бойиси ҳам шундадир: манфаатдорлик ҳаммани далага отлантирган. Комбайнчиларга ишга чиқ, палон маҳалгача ўримда бўл, деб ўтиришга сира ҳожат йўқ. Ҳар ким ўзи эрта тонгданоқ ғаллазорларга йўл олади. Ишлаб бўлгач, комбайнининг у ёқ бу ёғига қараб, сал тихирлик қилган жойлари бўлса тузатиб, таъмирлаб, хотиржам бўлгачгина дам олади.

Ўтган куни биз телефон орқали туман деҳқончилик-саноат уюшмаси раиси Ғофур Ботиров билан боғланганимизда у 22 та хўжаликдан 6 хўжаликда: «Мустақил Ўзбекистон», «Ровот», Йўлдош Хожиматов номли, «Баҳмал», «Бўстон», «Кўкорол» хўжаликларида ўрим бошлаб юборилганлигини айтган эди.

Ҳозир эса бошқа хўжаликларда ҳам ўрим кучайтириб юборилди. — «Бўстон» жамоа хўжалигида 200 гектар майдонда уруғлик буғдойнинг «Ёнбош», 500 гектар ерда эса «Жадал» нави етиштирилди. Ана шу майдонлардаги уруғликни ўз вақтида ўриб, йиғиб, ғамлаб қўйсак, кёлгуси йилда тумандаги барча хўжаликларни ўзимиз уруғлик билан таминлаймиз, — деди Ботиров.

Ғалладан бўшаган майдонлардан унумли фойдаланиш тўғрисида ҳозирдан тайёргарлик кўрияпти.Ҳосил йиғиб олинган ерлар пешма-пеш ҳайдалади, эгат олинади ва такрорий экинлар: мош, нўхот, ловия, туруп, шолғом ва бошқа экинлар экилади.

Носир РИХСИЕВ.

ДОН ЁНИДА НОДОН ТУРМАСИН

УЛКАН ғалла хирмонлари бошида нуроний отахонларимиз баракага оқ фотиҳа бериб, сўзларининг охирида «Дон ёнида нодон турмасин» деганларининг кўпчилигимиз гувоҳи бўлганмиз. Бундоқ ўйлаб қаралса, бу гапда чуқур маъно бор.

Зеро, мўл ҳосил етиштирган, машаққатлар билан ҳалол хирмон уйган деҳқон ризқ-рўзини сақлай билиши ҳам керак эканда! Ваҳоланки, кўнгилсизликлар айрим нодон одамларнинг қилмишидан, лоқайдлигидан, бепарволигидан, масъулиятсизлигидан келиб чиққан.

Вилоятимиз ғаллакорлари бу йил 131 минг гектар ерда рисоладагидай ҳосил етиштиришдилар. Айни кунларда улар ўзгача шижоат билан тер тўкмоқдалар, бир ҳовуч донниг ҳам исроф бўлмаслиги учун бутун чораларни кўрмоқдалар.

Етиштирилган ҳосилни асраб-авайлаш ишларида вилоят давлат ёнғин назорати бошқармаси, ёнғинга қарши кураш кўнгиллилар жамияти ва уларнинг жойлардаги худудий тузилмалари ходимлари ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқдалар. Хўш, уларнинг «улуш»лари нималардан иборат?

Ўрим-йиғим арафасида ҳамда ўриш ишлари бошланган кезларда ёнғиннинг олдини олиш маҳкамалари ходимлари хўжаликларда, далаларда, хирмон бошларида, ўримчилар орасида тез-тез бўлишиб, мавсумни талафотсиз ўтказиш учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя этиш ўта муҳим аҳамиятга эга эканлигини батафсил тушунтирдилар. Хўжалик раҳбарлари, мутасадди кишилар билан ҳамкорликда техникавий воситаларни ёнғинга қарши бутлаш, тасодифларнинг олдини олиш учун жавобгар шахсларни тайинлаш, ғалла майдонларини қўриқлайдиганларни белгилаш бўйича қатор тадбирлар ишлаш вақтидаги ҳолатлари қайта ўрганилди. Учқун ўчиргич, бирламчи ўт ўчириш анжомлари муҳайё этилди. Майдонларнинг пайкалларга бўлиниши, улар орасида сакиз метрлик марзалар, тўрт метр кенгликда шудгор доиралари бўлишлиги шарт қилиб қўйилди.

Одамларнинг дам олиш, овқатланиш масканлари ғаллазордан камида 100 метр узоқликда бўлиши, уларнинг атрофи шудгорланиши, чекиш учун хавфсиз махсус жойлар ажратилиши ва бундай ерлар лозим захира жиҳозлари билан таъминланиши таъкидланди. Ғаллазорлар яқинида чекиш, очиқ оловдан фойдаланиш, таъмирлаш ишларини олиб бориш мутлақо таъқиқланди. Ўрим бораётган майдонларда плугли тракторлар навбатчилиги ташкил этилди. Куритиш, сақлаш жойлари, омборлар ғаллазордан 100 метр, бошқа бино ва қурилмалардан 50 метр узоқликда бўлиши лозим. Ҳар 200 кв. метрда битта кимёвий ўт ўчиргич (ОХП — 10), битта 200 литрли сувли бочка ҳамда челаклар бўлиши керак. Ёқилғилар қуйиш учун махсус автоуловлардан фойдаланилади. Тунда ёқилғи қуйиш тақиқланади. Бўш ҳолатларда комбайнларни ғаллазорда қолдириб бўлмайди. Улар 30 метр четга олиб чиқилиши ва махсус ажратилган ерга қўйилиши шарт.

Юқоридаги тартиб-қоидаларга оғишмай амал қилинса, тайинланган кўнгилли ўт ўчирувчилар гуруҳлари ҳар доим сергак бўлса, ҳунук воқеалардан хабар берувчи воситалар — сирена, сигнал ёхуд бошқа ташвиш қўзғовчи жиҳозларга ҳожат қолмайди. Ана шунда, бу йилги ўрим-йиғим мавсумимиз хайрли ва бехатар ўтади.

Владимир ОСМОНОВ,
вилоят ИИБ ЁСБ бошлиғининг муовини, ички хизмат полковниги.

Огоҳ бўлганимиз яхши!

«Ватанни севмоқ — иймондандир» танловига

БИР

ҚАРИЛИК уйқуни ҳуш кўрмас экан. Кўзинг илиндими, фикрларинг чалкаш, аралаш-қуралаш бўлиб кетаверади. Ҳаёл чигал калавага ўхшайди. Манзил ҳам, макон ҳам, замон ҳам остин-устун, айқаш-уйқаш бўлаверади.

Аммо, шундай ўй-фикрлар бўладики, ҳар қанча уринсанг ҳам ҳаёлингдан чиқара олмайсан. Бирдан минггача саналса ҳам, мингдан биргача такрорланса ҳам, барибир, ором бўлмайди.

Мажид ака бундай дақиқаларни беҳисоб марта бошидан кечирган. Ёзилажак ҳар бир қораламасининг, хоҳ у лавҳа бўлсин, хоҳ очерк бўлсин ёки шунчаки жанг деган қолипга сиғмайдиган ўзига хос рўйхат бўлсин, нималигидан қатъий назар, қаҳрамонлари билан ҳаёлан суҳбатлашаверади, фикрлашаверади. Ажабланарлиси шундаки, унинг аксарият қаҳрамонлари марҳум. Жасадлари ўзга юртларда қолиб кетган навқирон ўзбекистонлик аскар йигитлар. Муаллиф уларнинг бирортаси билан ҳам аслида кўришмаган.

...Бу сафар бошқача бўлди. Фарзандларнинг таклифи Мажид акани кўп ўйлатди. Ҳаёлпараст, бироз паришонхотир қилиб қўйди. Ногаҳон севиниб ҳам кетди. Севинч ёшлари киприкларини намлаган пайтлар ҳам бўлди. Барака топшсин. Инсофли, товфиқли, иймонли, эътиқодли чиқишди...

Абдунуъмон — транспорт соҳаси муҳандиси, Туйғун — савдо ходими, Фотима — кимё муаллимаси, Зухра — математика ўқитувчиси, Шахло — болалар шифокори, Нигора — терапевт-кардиолог. Ўз соҳаларида ҳалол меҳнат қилиб, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлишмоқда.

Фарзандлар йиғилишиб, маслаҳат қилишибди. Отамизни муборак Ҳаж сафарига юборсак, дейишибди. Улар каби пиру-бадавлат одамлар кўп эмас. Омонатини Ўзига хотиржам топширишдан бўлак қарзи йўқ. Болаларини жой-жойига қўйган. Бир умр ҳалол меҳнат гаштини сурган. Бир этак набираси, яна аллақанча чевараси бўлса ҳам тетик, ғайрат-шижоатли. Ҳожилик Аллоҳнинг шундай бандасига муносиб-да.

Дарҳақиқат, ота ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтди. Унинг йигитлик даври оловли йилларга тўғри келди. Фашизм отлиқ шум бало ер юзида уруш оловини ёққанида, ёшгина Мажид ўзи туғилиб ўсган чекка қишлоқда бефарқ юра олмас эди.

Тошкент шаҳридаги республика педагогика билим юртини тамомлаб, ҳали бир йил ҳам ишлашга улгурмаган йигит 1942 йилда ҳарбий хизматга йўл олди. Ҳарбий таййёргарликдан сўнг, фронтнинг олдинги чизиғига етиб келди. У тўп мўлжалловчиси, тўп командири сифатида Смоленск вилоятини, Белоруссия ва Литвани фашизмдан озод қилишда қатнашди. Шарқий Пруссияда олиб борилган жангларда иштирок этди.

Ғалаба арафасида Берлин шаҳрида эди. 1945 йилнинг 28 апрелида Рейхстаг яқинида бошидан ярадор бўлди. Замбарак парчаси 51 йилдан бери бош ичида турибди.

У ҳар сафар ўзига билдирилган топшириқни боплади, катталар ишончини оқлади. Ғалаба нашидасини суриб, жонажон қишлоғига қўша-қўша орден ва медаллар билан қайтди.

Урушдан сўнг Пискент туманида халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилди. Унинг ҳаёт йўли бевосита туманда чиқадиган «Меҳнат байроғи» газетаси билан боғлиқ эди. Мажид Самадов қарийб 27 йил давомида ана шу газетага муҳаррирлик қилди. Газетани вилоятдаги энг яхши оммавий ахборот воситалари қаторига олиб чиқди. Тажрибали муҳаррир сифатида унинг фаолияти давраларда бир неча бор эътироф этилди.

Лекин энг муҳими бу эмас. Энг муҳими Мажид Самадов ўзи суйган мавзусига эга ўта сермаҳсул журналист, танлаган мавзуига садоқатли ёзувчи.

Аслида Мажид ака мавзу танламаган, таъбир жоиз бўлса, мавзу уни танлаган. Ватанни севмоқ, ватанпарварлик Мажид Самадовнинг суйган мавзуси.

Фашизм асоратларини ўз бошидан кечирган, уруш жаннатларидан мардона ўтган қаламкашнинг бошқача йўл тутиши мумкин эмас эди. Ҳа, у ўз ижодий фаолиятини ўзгалар тупроғида шаҳид бўлган қуролдош ватандошлари қабрларини излаб топишга бахшида этди. 1978 йилдан бошлаб ҳар йили ўз меҳнат таътилини Москва яқинидаги Подольск шаҳрида ўтказади. Собиқ мудофаа вазирлигининг Марказий архиви унинг иккинчи иш жойига айланди. Ойлаб ранги сарғайиб, заъфарон бўлиб кетган қат-қат ҳужжатларга тикилиб ўтирди, «Ўзбекистонлик» деган ҳар бир сўзни қизига суртди. Ҳар бир ўзбек аскарининг исми-шарифини, ҳарбийга

ҲОВУЧ

чақирилган жойини, урушда кўрсатган жасоратини, ҳалок бўлган жойини, дафн этилган мозорини кўз ёшлари билан ён дафтарига ёзди.

Мажид Самадов бу йиллар давомида ўттиз мингдан зиёд домдараксиз кетган ўзбек йигитлари ҳақидаги маълумотларни аниқлади, улар дафн этилган қабрларни топди. Шулардан минглаб собиқ аскарларнинг фарзандлари ёки қариндош-уруғларини зиёратга чорлади.

— Отамдан ва амакимдан уруш йилларида қора хат олганмиз. Улар ҳақида ўша машъум қоғоздан бўлак ҳеч қандай хабарга эга эмас эдик, — деб ҳикоя қилади Қибрай туманининг Чинобод қишлоғида яшовчи Ходимат Қуронбоев. — Лекин, қалбимда аллақандай умид учқунлари бор эди: гўё отам ва амаким тирик юргандек. Ишонасизми, роса 50 йилдан кейин отам ва амаким ҳақида хабар келди. Бу пискентлик журналист Мажид Самадовнинг хати эди. Хатда уларнинг урушдаги жасорати ҳамда дафн этилган жойлари кўрсатилган эди. Ўша кундаги ҳаяжонимизни, кўз ёшларимизни сира таърифлай олмайман. Дарҳол Пискентга йўл олдик. Мажид отани суриштириб топдик. Ўзимни таништиришга улгурмай унинг бағрига ташландим. Йиғладим. Гўё болалигим қайтиб келди, отамнинг бағрида ҳис қилдим ўзимни. У киши ҳам йиғладилар. Чамаси юракдан сизилиб чиққан кўз ёшларимиз бизни бир умрга бир-биримизга боғлади, ота-болага айлантирди.

— Кўп ўтмай Ходимат укаси Алмат билан отаси ва амакиси дафн этилган Смоленск ва Калуга шаҳарларига йўл олдилар. Жигарлари қабрларини зиёрат қилдилар. Барча расм-русумларни адо этишди. Қабрларидан бир ҳовучдан тупроқ олиб келиб, Чинобод қабристонидаги ўз хилхоналарига қўйдилар, — деб эслайди Мажид Самадов.

Отажон Кариев қабрини излаб Олмониянинг Лебус шаҳрига бориб келганида Мажид Самадовнинг дили равшан тортди. Ён қўшниси 18 ёшида чилласи чиқмаган ўғли билан бева қолган Раҳима Қурбонованинг илтимосига кўра она ва ўғли Қудратга бош бўлиб, Карим Қосимовнинг Луганск вилоятидаги қабрини зиёрат қилиш учун олиб бориб келишни Мажид Самадов ўзининг муқаддас инсоний бурчи деб ҳисоблади. Ҳар сафар зиёратдан қайтганлар ўзлари билан бир ҳовуч тупроқ олиб келишди.

Бир ҳовуч тупроқ. Унинг салмоғини, қадр қийматини қандай мезон билан ўлчаш мумкин? Уни тошу-тарози, симу-зарлар билан баҳолаб бўлармикин? Бу саволлар кўпинча жавобсиз қолади. Чунки...

Кекса қаламкаш ҳаётидан бундай мисолларни кўплаб келтирса бўлади. Мажид Самадовнинг архивдан ён дафтарига кўчириб ёзган 34000 ўзбек аскари ҳақидаги маълумотлар — 34000 хабар. Қариндош-уруғларнинг, фарзандларнинг жигар-гўшалари қабрини зиёрат қилиш учун узоқ сафарга отланганликларининг ҳар бири бир лавҳа ёки очерк. Уларнинг сони, таъкидлаганимиздек, 3000 га яқин.

Ҳар бир хабар ёки мақола ортида муайян тақдир бор. Йиллар давомида фарзандларини, қариндош-уруғларини, яқинларини қийнаб келаётган безовталикларга, турли ҳадикларга таскин бор. Кўз ёшлари бор, сўнмас хотиралар бор.

Мажид Самадовнинг кунникунга улаган, савобга йўғрилган меҳнатларининг маҳсули бўлган ижод қораламалари кўпгина шаҳар, туман, республика ва вилоят газеталарида, қатор журналларда, шунингдек, бошқа мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари саҳифаларида чоп этилди. Жангчи ёзувчининг ўнга яқин китоблари бош мавзусини ҳам она юртига қайтмаган ўзбек аскарлари ҳаёти белгилайди.

...Журналист Мажид Самадовнинг ижодхонасидамиз. Турфа китоблар, турли йилларда чоп этилган журналлар, газеталар. Газета қийқимлари, қўлёзмалар. Ҳали ниҳоясига етмаган ишлар. Кекса қаламкаш имзоси билан чоп этилган 200 дан ортиқ газета ва журналлардаги мақолаларнинг санаб адоғига етиб бўлмайди.

Рахматномалар, хатлар, турли ҳужжатлар нусхалари киши эътиборини ўзига тортади. Бу ерда қуролдошлар ҳақида 8000 та ҳужжат тўпланган. 200 га яқин орден ва медаллар қаҳрамонимизнинг саъй-ҳаракатлари билан ўз эгасини топган.

Мажид Самадов республикамиз фуқароларидан деярли ҳар куни мактублар олади. У кишига ҳозиргача 12700 га яқин хат келган. Мактубларда турли илтимослар баён этилган. Уларнинг аксарият кўпчилиги ўз ечимини топган.

Рахматномалар, хатлар, ҳужжатлар, газета қирқимлари... Уларнинг ҳар бири — тақдир, ҳар бири — тарих. Ўрганишга, тадқиқ этишга молик хазина.

ТУПРОҚ

...Ўша оқшом серфайз хонадонга оила аъзоларининг барчаси тўпланишди. Ота болаларни бир-бир кўздан кечириб, меҳрибонлигингиз учун раҳмат, деди.

Фарзандлар сергак тортишди. Аммо, отанинг фикри ҳали тугамаган эди. Орага яна жимлик чўкди.

— Таклифингизни, албатта, қабул қиламан. Аммо ҳозир эмас. — Ота катта ўғлига юзланди. — Бил-чи, Москвага самолёт қачон учар экан.

Фарзандлар лол қолишди. Қалам ва қоғоз кўтариб яна сафарга — қуролдош дўстларининг изларини излашга отланган отага эътироз билдириб бўлмасди...

Ҳар сафар катта кўчаларда «Савоб ишни ҳар куни қилиш керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак» деган иборага такрор ва такрор кўзим тушар экан, гўё у Мажид Самадов каби фидойи инсонлар учун айтилгандек туюлади...

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,
журналист.

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни 75 ёшга тўлди

ЗИЁ ТАРҚАТУВЧИ ДАРГОҲ

СИЗ қўлингиздаги газеталар, журналлар, турли-туман рисолаю китобларни ўқиб бўлганингиздан кейин кўпчилигининг сўнгги саҳифалари тагида қайд қилинган «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасида чоп этилди» деган сўзларга кўзингиз тушади. Ҳа, республикамизда нашр этилаётган матбуот маҳсулотларининг анчагина қисми шу ерда босиб чиқариляпти. У республикамиз хўжалиги ўзига хос тармоғининг етакчи, тўла маънода байроқдор корхонаси ҳисобланади. Бу босмахона мана етмиш беш йилдан бери босма маҳсулотлар чиқариш билан шуғулланмоқда.

У ана шу даврда кичик бир оддий босмахонадан замонавий асбоб-ускуналар, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида яратилган технологик жараёнлар билан жиҳозланган йирик корхонага айланди. Ишлаб чиқариш ҳажми бир неча баравар кўпайди. Маҳсулот сифатини яхшилашда ҳам кескин ижобий силжишларга эришилди.

Концерн ўз тарихи давомида бир неча ном билан аталди. Унинг тузилмаси ҳам, фаолияти йўналиши ҳам, мақоми ҳам бир неча бор ўзгарди. Лекин, босмахона ҳозирги кунгача унинг асосий тармоғи бўлиб келмоқда.

Бир асрнинг тўртдан уч қисми кўҳна тарих учун денгиздан томчидек бир муддат. Бироқ, шу даврда босмахонада нашриётчилар, ноширлар, журналистларнинг бир неча авлоди ўзгарди. Уларнинг фидокорона меҳнатлари, ўз вазифаларига сидқидилдан муносабатда бўлишлари натижасида республика нашриётининг тўнғичи МДҲ мамлакатларидаги шу тармоқнинг энг йирик корхоналаридан бири бўлиб қолди. Малакали ходимлар ўчоғи бўлиб келди. Бу ерда ноширлик сир-асрорларини ўрганган юзлаб ходимларимиз эндиликда республикамизнинг турли-туман турдош корхоналарида меҳнат қилмоқдалар. Концерннинг катта ижтимоий базаси ҳам таркиб топган. Меҳнат ва ишлаб чиқариш пухта ташкил этилган, бу ерда илғор усуллар қўлланилади. Бу ўз навбатида маҳсулот ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, турларини кенгайтиришни таъминламоқда.

Корхона иқтисодиётини мустаҳкамлаш, фаолият доирасини кенгайтириш, жамоа аъзолари турмуш фаровонлигини оширишда тўксонинчи йиллар бошидан бошлаб сезиларли ютуқларга эришилди. Бу, аввало, Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги самарасидир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар у ёки бу тарзда бизнинг корхонамизга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Жамоамиз янги давр талабларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳсулотларнинг янги турларини тайёрлашни ўзлаштириш, ўтган йилларда барпо этилган бутун салоҳиятдан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

Жумладан, газеталар ва журналлар нашр этиш қатори кўплаб дарсликлар, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган адабиётларни чоп этиш ҳам йўлга қўйилди. Чунончи, «ХХ аср ўзбек романи» туркум китоблари, айрим бошқа асарлар, машҳур шахслар юбилейларига бағишланган тақвимларни чиқара бошладик. Бунинг учун республика Халқ таълими вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноати», «Озиқ-овқатсаноати» концернлари билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўйдик. Қисқа вақт ичида буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган 2 та китоб ва битта каталог ўқувчиларга совға қилинди. Қатор маҳсулот турларини тайёрлаш ўзлаштирилди.

Мустақиликка эришилгандан кейин қаттиқ муқовали китоб маҳсулоти ишлаб чиқариш 3,5 баравар, ёрлиқ маҳсулотлари тайёрлаш 1,7 баравар, идора ва бошқа ялтироқ қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш 3,1 баравар, резина буюмлари тайёрлаш 1,3 баравар, гувоҳномалар ва ижозат ҳужжатлари ишлаб чиқариш 2,5 баравар ошди. Айни вақтда бозор талабини ҳисобга олиб янги халқ истеъмоли буюмларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Гул қоғозлар, мебел саноати учун қоплама материаллар, ўрта мактаблар учун синф журналлари ва дарсликлар, идора дафтарлари, пленка халтачалари тайёрлана бошланди. Бундан ташқари, қатор ҳужжат турларини нашр этиш ҳам йўлга қўйилди. Ҳозирги вақтда ҳарбий билетлар, меҳнат дафтарчалари, аъзолик билетлари, турли-туман бланклар тайёрланмоқда. Ҳатто, акцияларни ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди. Ҳозиргача республикамиздаги қатор ҳиссадорлик жамиятларининг буюртмаси билан 2,6 миллиондан ортиқ шундай қимматли қоғозлар босмадан чиқарилди.

Маълумки, кейинги вақтларда даврий матбуот нашрларининг нусхаси камайиши муносабати билан айрим ишлаб чиқариш майдонлари бўшаб қолди. Бу ерларда эса янги бўлинмалар ташкил этилди. Жумладан, қимматли қоғозлар цехи, ягона газета цехида газета ва журналлар ҳарфини териш ва саҳифалаш компьютер участкаси, ботиқ босма цехида офсет ва ботиқ босма учун шакллар тайёрлаш участкаси барпо этилди. Концернимиз таркибига республика Алоқа вазирлиги тизимига қарашли газета-журнал экспедицияси қўшиб олинди.

Айни вақтда ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш давом эттириляпти. Янги асбоб-ускуналар харид қилинди ва ўрнатилди. Германия, Чехия, Украина ва бошқа мамлакатлардан келтирилган қатор матбаа асбоб-ускуналари, технологик линиялар ишга туширилиб, улар ёрдамида янги хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилянти.

Жаҳон матбаачилиги соҳасида эришилган фан-техника ютуқларини жадал жорий қилиш учун қатор хорижий фирмалар билан узоқ муддатга мўлжалланган шартномалар тузилди. Австрия-Россия «Интрако» фирмаси, немис — Россия «ХГС» фирмаси билан шундай алоқалар ўрнатилди. Улар концернимиз мутахассислари билан янги ишланмалар устида изланадилар. Айни вақтда янги технологияни танлаш ва жорий этиш, асбоб-ускуналар ва материалларни етказиб беришда ёрдам кўрсатадилар.

Концерн ҳузурида қўшма корхоналар ҳам барпо этиляпти. Улар асосан бўшаб қолган ишлаб чиқариш майдонлари негизида яратилмоқда. Ҳозир шундай қўшма корхоналар орқали қатор хорижий фирмалар билан ҳамкорлик қиляпмиз. Масалан, Англиянинг «Рэнк Ксерокс» фирмаси билан «Узксерокс» қўшма корхонаси, Американинг «Фламинго» фирмаси билан «Афросиёб» савдо мажмуи, Туркиянинг «Демир металл» фирмаси билан «Мир» супермаркети ташкил этилди. Айни вақтда Американинг «МЗ Пасифик» фирмаси билан компьютерларни йиғиш линиясини лойиҳалаш ва қуриш бўйича «Ал-Фаросат» қўшма корхонасида иш олиб борилмоқда. «Узксерокс» қўшма корхонамиз Қибрай тумани ҳокимлиги билан тиббиёт пахтаси ишлаб чиқарадиган завод қурмоқда. «Шарқ Мир» қўшма корхонаси билан қандолатчилик ишлаб чиқариши қурилиши бошланди.

Ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш билан бирга ижтимоий объектлар ва уй-жойлар ҳам кўплаб қурилмоқда. Ҳозирги вақтда қатор ошхоналар, тиббиёт муассасалари, клуб, болалар яслиси ва боғчаси, санаторий-профилакторийлар, ўқувчиларнинг ёзги оромгоҳлари, дам олиш уйлари матбаачилар хизматида. Уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар ҳам муттасил амалга оширилмоқда.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, жамоани ижтимоий муҳофаза қилиш юзасидан амалга оширилган ишлар тайёрланаётган маҳсулот ҳажмини бир маромда сақлаб туришни таъминламоқда. Биргина ўтган йили 203 миллион сўмликдан кўпроқ матбаа маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Олинган жами фойда ўнларча миллион сўмни ташкил этди. Энг муҳими 60 турдаги газета, 52 та журнални муттасил чоп этиш таъминланди ҳамда қаттиқ муқовали 10 миллионта китоб савдо шахобчаларига етказиб берилди.

Босмахонамиз жамоаси истиқболга катта ишонч билан боқмоқда. Чунки, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, рақобатбардош китоб маҳсулотларини нашр этишни кўпайтириш ҳам давом эттирилади. Бунинг учун янги-янги технологиялар ҳамда асбоб-ускуналар жорий этилади. Етмиш беш йил давомида газета-журналлар ва китоблар нашр этиш билан шуғулланган босмахонамиз жамоаси бундан буён ҳам ҳормай-толмай ишлаб, зиё тарқатаверади.

Одил РАҲИМОВ, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош директорининг ўринбосари.

• 1921 йилнинг 21 мартида ҳозирги «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонасига асос солинган эди.

• Концерн 1994 йилда 27 миллион сўм, 1995 йилда 150 миллион сўм соф фойда олди. Агар мавжуд қувватлар яқин йилларда ҳозиргидек 30-35 фоиз эмас, 65-75 фоиз ишлатиладиган бўлса, тахминан 325-375 миллион сўм соф фойда олиш мумкин бўлади.

• Газета чиқариш цехлари янги бинога ўтганидан кейин бўшаб қолган 5 минг квадрат метрга яқин майдон реконструкция қилинди ва эндиликда китоб-журнал ва тасвирий санъат асарлари чиқаришда фойдаланилмоқда.

• 1991 йилда 3 миллион, 1992 йилда 4 миллион, 1993 йилда 6 миллион, 1994 йилда эса 7 миллион нусхада қалин муқовали китоблар чоп этилди. Юмшоқ муқовали кўп рангли китоблар ва бошқа турли босма нашрларини ишлаб чиқариш ҳажми 40 фоизга кўтарилди.

• Ишлаб чиқариш йилдан-йилга ўсиб бораётганлиги сабабли олинаётган фойда ҳисобига ижтимоий иншоотлар ва уй-жойлар ҳам кўплаб қурилмоқда. Нашриёт маблағларига қурилган уй-жойларда матбаачилар ва журналистларнинг 3 мингдан зиёд хонадонлари умргузаронлик қилиб турибди.



Суратда: газеталар конвеердан тушмоқда.

САРА КИТОБЛАР ЧОП ЭТИЛАДИ

ЯНГИЧА иқтисодий муносабатлар шакллана бошлаган сўнгги йилларда газета-журналлар адади кескин камайиб кетди. Бу эса концерн жамоасини янги фаолият соҳаларини излашга ва аввалдан мавжуд, ривожлантирилиши мумкин бўлган, синашта фаолиятни такомиллаштиришга ундади. Натижада, Бош таҳририят янги режалар ва йўналишлар асосида ишлашга киришди. Охирги пайтда нашрга тайёрланган китобларнинг кўпчилиги ўзбек адибларининг — хассос ёзувчиларимиз, севимли шоирларимизнинг асарлари бўлди.

«Истиқлол фидойилари» туркумининг нашр этила бошланиши, унга Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдуҳамид Сулаймон Чўлпон, Отажон Хошим сингари истиқлолпарвар маърифатчилар ҳаётидан ҳикоя қилувчи китобларнинг киритилиши ва чоп этилиши «Шарқ» концернининг ўқувчилар наздидаги янги қиёфасини белгилаб берди. Айниқса, таниқли адиб Наим Каримовнинг «Усмон Носир» ва «Усмон Носирнинг сўнгги кунлари» илмий-фалсафий тадқиқотлари адабий хаётда катта воқеа бўлди. Улардан сўнг кетма-кет эл назарига тушган китоблар чоп этила бошланди. 1995 йилдан бошлаб ўзбек романчилигининг энг яхши намуналаридан мумтоз ва ўқимишли китобларни нашр этишга киришилди. Мазкур туркум миллий романчилигимиз асосчиси Абдулла Қодирий қаламига мансуб «Ўтган кунлар»дек қалдирғоч асардан тортиб истеъдодли адиб Тоғай Мурод яратган «Отамдан қолган далалар» асаридек кенжа романни, яъни ана шу икки эътиборга молик китоб оралиғида дунёга келган етук асарларни ўз ичига олди.

Аввалги нодаврий нашрлар бўлими ўрнида дунёга келган Бош таҳририят ходимлари технологлар, иқтисодчи ва цехлардаги усталар билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Шу сабабли нашр этилаётган китоблар ҳар томонлама кўркам безатилмоқда, уларнинг матбаа ижроси сифатли бажарилиб, тайёрланган маҳсулот ҳозирги ўқувчилар дилига мос келмоқда.

Суратда: Бош таҳририят ходимлари янги китобларни кўздан кечиришмоқда.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЧИҚАРАСИЗМИ? МАРҲАМАТ!

ЎЗБЕКИСТОН республикаси аҳолисини нашриёт-матбаа маҳсулотларига тобора ортиб бораётган талабини қондириш ва бозор иқтисодиёти шароитларидан келиб чиққан ҳолда «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни ва унинг бўлинмалари ўз фаолиятларини долзарб масалаларга йўналтирмоқдалар.

1994 йилнинг охирида Ўзбекистон республикаси ҳукуматининг Давлат Мулк қўмитаси буюртмалари бўйича акциялар чиқариш ва таъминлашдек масъулиятли топшириғи «Шарқ» нашриёт матбаа босмахонаси жамоаси учун янги иш бўлди. Дастлаб, асл нусҳалар тайёрлаш, уларнинг технологияларини ишлаб чиқиш мақсадида ходимлар ўқувини ташкил этиш, топшириқни мукаммал адо этишда асқотадиган тақвий дастгоҳлар сотиб олиш, қимматли қоғозлар тайёрланадиган участкада белгиланган қатъий иш тартибини жорий этиш каби муҳим соҳалар бўйича аниқ дастур ишлаб чиқилди.

Асосий диққат-эътибор янги маҳсулотни ҳимоялаш масалаларига қаратилди. Жумладан, ҳар бир янги қийматдаги акциянинг асл тарҳлари графика ва қўшимча рангларни қўллаган ҳолда компьютерда тайёрланмоқда, бу эса ўз навбатида турли қийматдаги акцияларнинг рангларида тақрорийликка йўл қўйилмасликни таъминлайди. Акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқариш технологияси пухта ишлаб чиқилган бўлиб, шунга мувофиқ уларга тасвирлар туширишнинг турли хил усуллари, олий навли ялтироқ қоғозлар ва бошқа матбаачилик материаллари қўлланилмоқда. Акциялар қалбакилаштирилишини олдини олиш мақсадида зарур ҳимоя воситалари билан муҳофаза қилинган.

Давлат мулк қўмитаси ва унинг бўлинмалари билан ижодий ҳамкорлик яхши йўлга қўйилгани туфайли қисқа муддатларда акцияларни чиқариш иши жонланиб кетди. Концерн таркибида янги махсус бўлим тузилиб, у ерда ишлатиш учун Австриядан икки хил рангда босадиган «Доминант-725 ПВ» машинаси сотиб олинди. Олмония ва Россиянинг «ХГС» фирмалари билан узоқ муддатга мўлжалланган шартнома имзоланди, ана шу битимга мувофиқ ўзаро ҳамкорликдаги ишланмалар натижасида янги технологияларни кенг жорий қилиш, фирма томонидан эса концернга ускуналар, материаллар, офсет пластиналари, химикатлар ва эҳтиёт қисмлари етказиб берилиши кўзда тутилди.

Шундай қилиб, ихтисослашган ишлаб чиқаришнинг ягона тизими бунёд бўлди. Натижада, қимматли қоғозлар чиқариш билан боғлиқ барча операциялар асл-нусҳа тайёрлашдан тортиб то қайта ишлаб, тайёр маҳсулотни буюртмачига етказиб беришгача бўлган барча жараёнлар бир маромда ишлай бошлади.

Кўрилган қатъий чоралар туфайли қимматли қоғозлар билан ишлашнинг аввал бошлаёқ 706 ташкилотнинг буюртмаси бўйича жами 2652636 та акция, шу жумладан, 2528430 та оддий ва 124682 та имтиёзли акциялар тайёрлаб бериш имконияти туғилди. Инвестфонднинг буюртмаси бўйича талаб қилиб олувчи учун 100 минтта акция лологрия усули билан тайёрлаб берилди. Акциялар чиқариш билан бир вақтда «Шарқ» НМК босмахонаси жамоаси Меҳнат ва Мудофаа вазирликлари буюртмалари бўйича меҳнат дафтарчалари ва ҳарбий билет варақалари тайёрлаб беришни ҳам муваффақиятли ўзлаштириб олди.


«Шарқ» нашриёт матбаа концерни бугунги кунда кенг имкониятларга эга. Фурсатдан фойдаланиб, барча манфаатдор ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахсларни ҳамкорлик қилишга таклиф этади. Қимматли қоғозларнинг варақаларини (голографик таркибсиз) ўзаро мақбул муддат ва нархларда юқори сифатли қилиб тайёрлаб берилиши кафолатланади.

Миржалол МИРАЛИЕВ.

Туёна

ИДРИС ПАЙҒАМБАРДАН БОШЛАНГАН...

... Бутун оламни, мавжудотни, одамзодни яратган Тангри таоло ўз қудратини, ўз камолини инсон аждодларига билдирар экан, Ер юзидаги илк одам, улуғ бобомиз — Одам алайиссаломга ўн саҳифагина илдоҳий каломни нозил этганидан сўнг, орадан юз йиллар ўтиб, Идрис алайҳиссалом деган учинчи расулига мурожаат этиб, унга ёзув ёзмакни ўргатди, ҳарфларнинг маъно-моҳиятини англатди, ўз иродасини қайд этиб бормакка кўндирди. Ривоятларнинг билдиришича, аввал бошида ёзувлар ва ҳарфлар нозил бўлганини ҳеч кимсага билдирмаган. Идрис пайғамбар қўй ва қорамол терисига аҳли оламга кўрсатилиши, таништирилиши ва еткази-



лиши шарт бўлган ҳарф ва ёзувларни зарб этади. Ана шу буюк тарихий воқеадан эътиборан кўрраи замин тарихида ёзув тарихи, аниқроғи, ҳарфлар, матнларнинг инсонларга хизмат қилиш тамойили бошланади...

... Бу Ислом Шоҳуломовнинг куни кеча «тандирдан узилган» — нашрдан чиққан «Саодат манзиллари» деб аталган китобидан кўчирма. «Шарқ нашриёт-матбаа концерни ташкил этилганига 75 йил тўлиши муносабати билан ёзилган мазкур рисолада нафақат бўлажак журналистлар, муҳаррирлар, матбаачи муҳандислар, тадқиқотчиларнинг маънавий-касб эҳтиёжларига малҳам бўлувчи тафсилотлар талқин этилган, китобда Ўзбекистондаги энг йирик нашриёт-матбаа корхонасининг чоракам бир асрлик ўтмиши мисолида халқимизнинг маданий тарихи босқичлари кўрсатилган, зиё даргоҳининг ижтимоий ҳаётга таъсири очиб берилган. Муаллиф ҳозирги улкан корхонанинг яратилишидан тортиб, унинг истиқлол сафидаги одимлари ва истиқбол пиллапояларини мароқ билан ҳикоя қила олган. Чунки, унинг ўзи ушбу даргоҳда ярим асрдан ортиқ вақтдан буён ҳалоллик ва фидойилик билан меҳнат қилади. «Саодат манзиллари»нинг, бизнингча, энг таъсирли жиҳати шундаки, у ер юзидаги ўз номига муносиб халқлардан бири бўлган ўзбек миллатининг ҳам миллий матбаачилик маданиятидаги тарихий-ва табаррук воқеаларни ўқувчи кўз олдида яққол гавдалантиради. Китоб муаллифи жуда ўринли кўрсатиб ўтишича, 1921 йилнинг 21 мартида «Ҳар тунинг Қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсин Наврўз» дея халқни дуо этган буюк Алишер Навоийнинг илинжи ижобат бўлгандек, айни мана шу санада мукаддас Туркистонимизда матбаачиликнинг Наврўзи туғилган. Бу зиё маскани етмиш беш йил давомида икки дарё оралиғидаги юртнинг янги тарихига тенг шерик, изтиробли кунларида ҳамдам, қувончли дамларида ҳамнафас бўлиб ўсди, улғайди.

Ўзбек матбаачилиги ва матбуотининг босиб ўтган ана шу йўли ва нурли истиқбол режалари кенг қамровда қаламга олиниб, чиройли матбаа ижросида безаклар билан кўрсатиб берилган бу китоб минг-минглаб ўқувчиларини бефарқ қолдирмайди. Уни, албатта, олиб ўқишингизни маслаҳат берамиз.

Соат МУСАЕВ.



ЛИНОТИПДАН – КОМПЬЮТЕРЛАРГА


Бир неча ўн йиллар мобайнида ҳарф териш жараёнларида линотип машиналари ҳукмронлик қилиб келади. Лекин... у ҳарф терув ишини анча мураккаблаштиради: қайноқ қўрғошиндан чиқиб турган ховур, механизмлар шовқини ва силкиниб туриши, машиналарнинг унчалик катта тезлик билан ишламаслиги меҳнат унумдорлигига салбий таъсир қиларди. Шунинг учун ахборотларни қайта ишлашнинг янги истиқболли усулларини қидириб топиш, асослаш ва жорий этиш керак эди. Бир неча бор ва ҳар томонлама муҳокамалардан сўнг IBM компьютерлари негизида ихчам ноширлик тизилмаларига ўтиш афзал кўрилди.

Нашриёт мутахассислари бир қатор фирмалар ва қўшма корхоналарнинг таклифларини таҳлил этиш асосида қулай, арзон, ишончли усулни танладилар. 1993 йил охирида ҳамкорлик қилинадиган фирма аниқланди. Бу Калифорния (АҚШ)нинг Mz РасіеСо фирмаси эди. У 1994 йил бошида бизга дастлабки 42 та компьютерни етказиб берди. Биринчи битим тузилгандан сўнг иккинчи, учинчи битимлар ҳам имзоланди. Ҳаммаси бўлиб фирма 50 дан ортиқ бир кишилик компьютерлар етказиб берди. Уларда эндиликда газеталардан ташқари китоблар ва журналлар ҳам терилмоқда, ҳамда саҳифаланмоқда.

Ҳамма ускуналар Ethernet тармоғи ёрдамида бирлаштирилган.

1995 йил бошига келиб, яъни қарийб бир йил ичида 40 дан ортиқ газета, шу жумладан, 9 та республика, 2 та вилоят, 2 та шаҳар ва 30 дан ортиқ тармоқ газеталари компьютерда терилиб саҳифаланадиган бўлди. Улар орасида якшанба ва душанба кунларидан ташқари ҳар куни чоп этилаётган «Халқ сўзи» — «Народное слово», «Правда Востока» газеталари ҳам бор. «Ўзбекистон овози», «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталари ҳафтасига уч марта чиқиб турипти. 5 та газета ҳафтасига икки мартадан ўқувчиларга етказиб берилмоқда. Булар Тошкент вилоят газеталари, қозоқ тилида чиқадиган «Нурли жол» ва тожик тилида чиқадиган «Овози точик» газеталаридир. 30 номдан ортиқ бошқа нашрлар ҳафтасига бир марта босилмоқда. Бу нашрларнинг ҳаммаси республика ўқувчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Бунда компьютер технологияси, ҳарфли ва чизмали безаш ўзининг муайян ижобий ролини ўйнаяпти. Ҳозирги газеталарнинг сифати кўргошин ҳарфлар билан босилган газеталарникидан тубдан фарқ қилади.

Ишлаб чиқаришга электрон техникаси жорий этилгандан сўнг 50 нафардан ортиқ янгича шароитларда ишловчи ходимлар тайёрланди. Улар шу ерда ўқиб ўргандилар ва ҳозир ўз ишчи ўринларида самарали фаолият кўрсатмоқдалар. Булар — ҳарф терувчилар ва алоҳида компьютер операторлари, газета саҳифаларини лазер принтерларида ва ксероксларда чиқариб берувчи мутахассислардир.



Янги технологиянинг афзалликларига улар ўз шахсий тажрибаларида иқрор бўлмоқдалар. Ҳарф териш тез ва сифатли бажарилмоқда, фойдаланилаётган воситалар тури кенгайди. Бу технология, айниқса, босишнинг офсет усулидан фойдаланишда универсал эканлиги билан ажралиб туради.

Босмахонада бир кишилик компьютерларнинг пайдо бўлганлиги нашрлар тайёрлаш жараёнларининг катта қисмини бевосита таҳририятларга кўчиришга имкон бермоқда. Бу газеталар чиқариш тезкорлигини ошириш ҳисобига иқтисодий кўрсаткичларни яхшилади.

Ҳарф териш ва газеталарни саҳифалаш жараёнларини бевосита таҳририятларда ёки улар ҳузурида ташкил қилинган компьютер марказларида амалга ошириш тўғрисида таҳририятлар, таъсисчилар ва ноширлардан тушаётган кўпдан кўп таклифларни эътиборга олиб, шунингдек, босмахона билан таҳририятлар ўртасидаги оворагарчиликларни камайтириш ҳисобига олинадиган иқтисодий самара назарда тутилиб, янги технология ишлаб чиқилди. Бу технология бўйича ишлаб чиқаришга дискетлар ва тайёр саҳифаланган газеталар қабул қилинмоқда.

Янгиликнинг энг муҳим томонларидан яна бири — меёрдаги экологик шароит яратилганлиги, ишлаб чиқариш маданияти оширилганлигидадир. Бу ҳол ишнинг иқтисодий кўрсаткичларига яхши таъсир кўрсатиш билан бирга ходимлар қўнимсизлигининг қисқаришига ёрдам бермоқда. Меҳнат унумдорлиги оширилганлиги боис иш ҳақи ҳам анча ортди. Электр энергияси ишлатилиши камайганлигининг ўзи газета ишлаб чиқариш иқтисодиётини тубдан яхшилади. Яна шуни айтиш кифоя, битта компьютер линотипга қараганда энергияни 30 карра озроқ истеъмол қилади.

Қисқаси, компьютерда ҳарф териш цехига кирган киши концерн босмахонасининг сўнгги йилларда жаҳон матбаачилиги техникаси ва технологияси билан тўлиқ қуролланганлигига, умуман, жамоанинг замон билан баравар қадам ташлаётганлигига гувоҳ бўлади.

Суратларда: компьютер цехида иш жараёни.

Доврон АҲМАД олган суратлар.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

● Россия Федерациясида президентлик сайловлари бўлиб ўтди. Лекин, унда мутлақ ғолиб аниқланмади.

● Олимпия ўйинларининг 100 йиллигига бағишланган «Атланта-96» ўйинлари бошланишига роппа-роса 27 кун қолди. У 19 июлдан 4 августгача давом этади.

● Жохар Дудаевнинг ўлими ҳақида янги маълумотлар оммалаштирилди. Улар қанчалик тўғри?

САЙЛОВДАН... САЙЛОВГА

ШУНДАЙ қилиб, ўтган якшанба куни Россия Федерациясида президентлик сайловлари бўлиб ўтди. Унда овоз берувчиларнинг тахминан 70 фоизга яқини иштирок этди. Хўш, президентликка даъвогар бўлган 10 нафар номзоднинг фоиз кўрсаткичлари қанақа бўлди? Б. Ельцин-35,12 фоиз, В. Зюганов-32,28 фоиз, А. Лебедь-15 фоиз, Г. Явлинский-7,5 фоиз, В. Жириновский-6 фоиз, С. Федоров-0,93 фоиз, М. Горбачев-0,51 фоиз, М. Шаккум-0,36 фоиз, Ю. Власов-0,20 фоиз, В. Бринцалов 0,16 фоиз овоз тўпладилар. Натижада Россиянинг амалдаги президенти ва коммунистлар номзоди нисбатан кўп овоз олганликлари маълум бўлди. Кутилмаганда истеъфодаги генерал А. Лебедь учинчи ўринни эгаллади.

Умумий хулоса-Россияда сайловлар бўлиб ўтди, деб расман тан олинди. Аммо, ҳеч кимнинг «50 фоиздан ошмаганлиги» туфайли мутлақ ғолиб аниқланмади. Бундай ҳолда мамлакат конституциясига асосан сайловларнинг иккинчи даврасига йўл очилади. Демак, бўлажак давлат бошлиғи ўшанда аниқланади. Иккинчи давра июль ойининг биринчи ўн кунлигида ўтказилади, деб кутилган эди. Ҳозирча 3 июль-сайловлар куни деб эълон қилинадиганга ўхшаб турипти. Лекин, сайловлар бошқа кунга тайинланиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Иккинчи давра сайловлари биринчисидан тубдан фарқ қилади. Бунда «ўйин қоидалари» батамом ўзгача бўлади. Гап шундаки, курашдан чиқиб кетган собиқ саккиз номзод билан «тиллашиш»га тўғри келади. Улар «электорати» яъни тарафдорларини ҳар ким ўз томонига кўпроқ оғдириб олишга ҳаракат қилиши табиий. Шу маънода Б. Ельцин дарҳол-17 июнь куни эрта тондаёқ Россия фуқароларига «ойнаи жаҳон» орқали мурожаат қилиб, уларни эндиликда ҳар қачонгидан ҳам якдилроқ бўлишга даъват этди. Соат 14.00 да эса ногаҳон «тўлқинлар тепасига чиқиб қолган» А. Лебедь билан учрашди. Сайловларни ташкил этишда кўмаклашаётган ёрдамчиларини ўта сергак бўлиб туришга чақирди. Бугина эмас. 18 июнь куни Б. Ельцин Кремлда А. Лебедь билан қайта кўришиб, уни давлат хавфсизлик кенгаши котиби ва РФ президентининг миллий хавфсизлик бўйича ёрдамчиси этиб тайинлаганлигини эълон қилди. Шу орада РФ мудофаа вазири П. Грачев ишдан олинди. Хавфсизлик кенгаши котиби О. Лобов ҳамда президентнинг миллий хавфсизлик бўйича ёрдамчиси Ю. Батурин бошқа ишга ўтказилдилар. Шунингдек, куни кеча «катта амалдорлар» О. Сосковец, М. Барсуков, А. Коржаковлар ҳам ишдан мосуво бўлдилар.

Шу тариқа Б. Ельцин ўзининг иккинчи даврадаги сайлов ҳаракатларига янгича йўналиш беришга уринмоқда. Қилинган ўзгаришлар қандай самара беради? Буни яқин кунлар кўрсатади.

Г. Зюганов ҳам қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. У ҳам ўз тактикасини дарҳол ўзгартирди. Собиқ номзодлар билан ҳафта давомида қатор мулоқотлар ўтказиш ниятида эканлигини билдирди. Унинг қароргоҳидагилар мамлакатнинг турли бурчаклари, Москва, Санкт-Петербург ва бошқа минтақаларга қўнғироқ қилишиб, ўз мавқеларини янада мустаҳкамлаш борасида бутун чораларни кўра бошладилар. Зюгановчилар «интизом ва яна интизом» деган шиорни олға сурмоқдалар.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари Россия ўзининг узоқ муддатли тарихида биринчи бор сиёсий ҳаётда ҳозиргидек вазиятга дуч келганлигини қайд қилмоқда. Мазкур ҳолатдан муваффақиятли чиқиш Россия халқининг ақл-заковатига, мушоҳада юритиш қобилиятига боғлиқдир, деб ёзмоқдалар. Бу фикрлар бир қадар тўғри. Яқин кунлар уларни янада ойдинлаштиради.

РАҚАМЛАРДА ОЛИМПИЯ ТАРИХИ

СПОРТ ҳам сиёсат, деган гап бор. Шу боис, айни кунларда, жуда кўпчилик АҚШнинг Атланта шаҳрида бўладиган ёзги 26-Олимпия ўйинларига жуда катта қизиқиш билдирмоқдалар.

Ҳа, олимпия ўйинларининг ўзига хос тарихи бор. Манбаларда қайд этилишича биринчи нуфузли бундай ўйинлар эрамизгача бўлган 776 йилда Грециянинг Олимпия шаҳрида вужудга келган. Мусобақалар 12 аср давомида кўпчиликнинг эътиборидан тушмади. Эрамизнинг 394 йилидан сўнг «танаффус» бўлди. Мазкур ўйинларни тиклаш ташаббуси франциялик спорт мухлиси Пьер де Фреди исмли барон де Кубертенга тегишлидир. Шундай қилиб, 1896 йилда Афина шаҳридаги тантаналарда Олимпия ўйинларига қайта «жон бахш этилди».

Муаррихларнинг ёзишича, бундай ўйинларнинг биринчи ғолиби Короибос исмли паҳлавон бўлган. Авваллари ўлим хавфи остида аёлларга мусобақаларда қатнашиш ва томошабин бўлиш ман этилган. Кейинчалик бундай ўйинларда қатнашиш ҳуқуқини биринчи бор чавандоз Деметра хоним қўлга киритган.

1924 йилга келиб ўйинлар Ёзги ва Қишки ўйинларга ажратилган. Ёзги олимпия ўйинлари юз йил давомида қуйидаги шаҳарларда ўтказилди: 1896-Афина (Греция), 1900-Париж (Франция), 1904-Сент-Луис (АҚШ), 1908-Лондон (Англия), 1912-Стокгольм (Швеция), 1916-уруш туфайли ўйинлар бўлмаган, 1920-Антверпен (Бельгия), 1924-Париж (Франция), 1928-Амстердам (Нидерландия), 1932-Лос Анжелас (АҚШ), 1936-Берлин (Германия), 1940-уруш туфайли ўйинлар бўлмаган, 1944-уруш туфайли ўйинлар бўлмаган, 1948-Лондон (Англия), 1952-Хельсинки (Финляндия), 1956-Мельбурн (Австралия), 1960-Рим (Италия), 1964-Токио (Япония), 1968-Мехико (Мексика), 1972-Мюнхен (Германия), 1976-Монреал (Канада), 1980-Москва (СССР), 1984-Лос-Анжелес (Акш), 1988-Сеул (Жанубий Корея), 1992-Барселона (Испания).

Бу йил 19 июлдан 4 августгача давом этадиган Атлантадаги ўйинлар 26 рақами билан белгиланди. Олишувлар Жоржия штатининг Атланта, Афина, шунингдек, Алабама штатининг Бирмингем, Флорида штатининг Майами ва Орландо, Колумбия мавзесининг Вашингтон шаҳарларида бўлиб ўтади.

«Атланта-96» томошаларида 11 миллиондан зиёд кишиларнинг қатнашиши кутилмоқда. Битта чиптанинг ўртача нархи 39 доллар 72 цент. Ўйинлар жаҳоннинг 170 мамлакатига телевидение орқали узатилади. Уларни ҳар куни 2 миллиондан кўпроқ одам томоша қилади.

Мусобақа ғолибларига 1933 медал топширилади. Улардан 604 таси тилло. Беллашувларда 197 мамлакатдан келган 10 мингдан кўпроқ спортчилар мусобақалашадилар. Уларнинг 3779 нафари хотин-қизлардир. Олимпиадачиларга 1400 нафар Атланта Олимпия Қўмитаси ходимлари, 42 минг 500 кўнгилли, 38 минг 937 нафар шартнома билан ишловчи ҳамда 5334 нафар соатбай меҳнат қилувчи кишилар хизмат кўрсатади. Атлантадаги Олимпия қўрғонида 14 минг нафар спортчи, уларнинг мураббийлари ва бошқа расмий кишилар жойлашадилар. Олимпия ўйинларини ўтказиш давлатга 1,6 миллиард долларга тушади. Лекин, 5,1 миллиард доллар фойда кўриш кутилмоқда.

АЛЛАНИНГ АЛАМЛИ ҲИКОЯСИ

ЯҚИНДА Чеченистоннинг собиқ президенти Ж. Дудаевнинг беваси-Алла Дудаева «Известия» газетаси мухбири билан қилган суҳбатда эрининг ўлимига доир янги маълумотларни ошкор қилди.

—Жохар унча-мунча хавфдан чўчимас эди,—деди А. Дудаева,—у ўлимдан қўрқмасди. Шунинг учун ўша машъум куни ҳам у ўзини жуда бемалол тутди. Биз телефондан гаплашган жой дарҳол белгиланиб, у ерга ракеталардан ўқ отилишини ҳам билардик. Навбатдаги телефон алоқасидан сўнг яқин орада катта портлаш бўлганлигини элас-элас пайқадим. Жохар ёнимда йўқ эди. Бир маҳал қарасам, у тупроқ қатлами остида экан. Унинг шериклари Ибрагимов, Қурбоновлар ўлиб ётарди. Назаримда Жохар ҳали тирикдай туюлди. Ёрдамга келганлар уни дарҳол чиқариб олдилар. Сўнг машинада энг яқин қўрғон томон йўл олдик. Манзилга етгунча унинг бошини тиззамда ушлаб келдим. Қандайдир шифохонада бомбардимондан бекиниб ётган ҳамширалар бизга пешвоз чиқишди. Бир маҳал улардан бири келиб менга «эрингиз тирик» деди. Мен эрим ёнига кўтарилдим. Афсуски, у ҳаётдан кўз юмиб, секин-аста совумоқда эди...

А. Дудаеванинг юқоридаги гапларини кўпгина матбуот нашрлари турли мақомда шарҳлаб ёзди. Уларнинг ҳаммасида битта фикр олға сурилди: Алла Дудаеванинг гаплари ростмикин?!

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

● ФАЛАСТИН матбуоти бўлажак мустақил Фаластин давлати конституциясининг дастлабки лойиҳасини эълон қилди. Унда Иерусалим (Қуддус) шаҳри пойтахти бўлган давлат тузиш кузда тутилади. Шунингдек, ҳужжатда Иерусалим уч диннинг муқаддас шаҳри бўлиб қолади, дейилади.

● ШУ ЙИЛ 11 августда жорий юз йилликнинг энг сўнгги қуёш тутилиши рўй беради. Жаҳондаги кўпгина илмий ташкилотларнинг олимлари табиатнинг бу ноёб ҳодисасини чуқур ўрганиш мақсадида тутилишнинг эпик маркази-Руминиянинг Бухарест ва Тимошиари шаҳарларидаги кузатув масканларига йўл олмоқда.

● ЗОИРНИНГ давлат прокурори Россия учувчилари-Н. Казарин ва А. Гуськовларни узоқ муддат қамоқ жазосига ҳукм қилди. Улар бошқарган самолёт январь ойида ҳалокатга учраб, 300 киши дунёдан бевақт кўз юмган эди.

● ГФР ҳуқуқни ҳимоя қилиш махкамаларига телефонларни маҳфий равишда эшитиш учун рухсат берилди. Уюшган жиноятчилар, гиёҳвандлар, гангстерлар эндиликда полициячиларнинг қатъий назоратида бўладилар.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

МУХЛИСЛАР КУТГАН 5 ТА ТЎП

Ўзбекистон футболчилари Осиё XI кубоги (чемпионати) финал ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар

БАХРЕЙН футболчилари Осиё XI биринчилигининг саралаш учрашувларида қатнашишдан бош тортганларидан сўнг, мухлислар Ўзбекистон терма жамоаси осонликча финалга йўлланмани қўлга киритадилар деб ўйлаган эдилар. Бироқ 8 май куни Душанбе шаҳрида Тожикистон миллий терма жамоаси билан бўлган ўйинда футболчиларимиз 0:4 ҳисобида мағлубиятга учраганлари мутахассислару — мухлислар учун кутилмаган ҳол бўлди. Энди жавоб учрашувида футболчиларимиз камида 5 та тўп фарқ билан устун келишлари лозим эди. Бу ниҳоятда қийин ва мураккаб вазифа эканлигини ҳаммамиз яхши тушунардик.

Ўзбекистон — Тожикистон учрашувига икки кун қолганда футбол федерациясидаги масъул ўртоқлардан жамоамиз қай тартибда майдонга тушишга ҳозирлик кўраётганлигини сўраб-суриштирдим. Терма жамоамиз сафида — Миржалол Қосимов, Игорь Шквирин, Степан Атоян қатнашишини эшитиб, кўнглим бироз таскин топди. Бироқ ҳамон тўртта тўп юкидан қутулиш мумкин бўлармикан? Йигитларимиз бу қийин вазифани қандай уддалашаркин, деган ваҳима босарди.

Ўтган чоршанба куни МҲСК ўйингоҳига келган минглаб футбол мухлислари қатори мен ҳам терма жамоамиз сафи билан танишганимдан сўнг ғалабага катта умид боғладим. Ўзбекистон терма жамоаси жавоб учрашувига қуйидаги таркибда майдонга тушди: Павел Бугало, Февзи Давлатов, Фарҳод Магомедов, Миржалол Қосимов, Эдуард Мамотов, Олим Тиллаев, Степан Атоян, Сергей Лебедев, Андрей Захаров, Игорь Шквирин, Сергей Андреев. Ҳимоячи сифатида майдонга тушган Миржалол Қосимов бутун ўйин давомида ҳужумчиларга мадад бериб туриш билан бирга вақти-вақти билан ўзи ҳам Андрей Мананников дарвозасига таҳлика солиб турди. Еттинчи дақиқада меҳмонлар ўз жарима майдонларида ўйин қоидасини бузишди. Туркманистонлик ФИФА ҳаками Элдар Рамазанов ўн бир метрлик жарима белгилади. Миржалол Қосимов уни бехато бажарди. 12-дақиқада Сергей Андреев ҳисобни 2:0 га етказганда мухлислар терма жамоамиз ўз олдига қўйган вазифани уддалай олишларига ишонч ҳосил қилдилар. Биринчи бўлимда яна камида 4-5 та қулай имконият яратилди. Бироқ Игорь Шквирин, Андрей Захаров, Сергей Лебедев ва Миржалол Қосимовлар бундан фойдалана олмадилар. Иккинчи бўлим ҳам майдон эгаларининг тўла устунлигида ўтди. 55- ва 72-дақиқаларда Миржалол Қосимов ҳамда Игорь Шквиринлар иккита тўп киритиб, ҳисобни 4:0 га етказишга муваффақ бўлдилар. Гарчанд учрашув тугашига йигирма дақиқача вақт қолган бўлишига қарамай футболчиларимизнинг кетма-кет уюштирган ҳужумлари натижа бермади. Мусобақа низомига кўра қўшимча вақт берилди. Кўп ўтмай Зафар Мусабоев киритган чиройли бешинчи тўпдан сўнг мухлислар оёққа турди. Ишқибозлар кутган ва жамоамизга ғалаба келтирган 5 та тўп уларга қитъа биринчилигининг финал ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берди.

Маълумки, Осиё XI биринчилиги қатнашчилари 10 та гуруҳга бўлиниб, саралаш учрашувларини ўтказишмоқда. Ғолиблар декабрь ойи бошларида Бирлашган Араб Амирликларида бўладиган якунловчи босқич мусобақаларида куч синашишади. Ҳозирда иккинчи гуруҳдан Хитой, тўққизинчи гуруҳдан эса Саудия Арабистони ғолиб келиб, финалга йўлланма олишди. Улар сафига Ўзбекистон футболчилари ҳам қўшилдилар. Осиё қитъасининг якунловчи ўйинлари 3 декабрдан 20 декабргача ўтказилади.

Учрашувдан сўнг журналистлар учун матбуот конференциясида Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийси Баҳодир Иброҳимов, шунингдек Миржалол Қосимов, Игорь Шквирин, Степан Атоянлар журналистларнинг саволларига жавоб қайтаришди.



Кўп сонли футбол мухлислари қатори ўйингоҳдан мен ҳам яхши кайфият билан қайтдим. Уйга келиб, чой дамлаб, бамайлихотир телевизорда Ўзбекистон — Тожикистон терма жамоалари учрашувини қайта томоша қилдим. Киритилган тўплар, яратилган имкониятлар, тажрибали ўйинчиларимиз маҳорати қатори футболимиз фидойиларидан Ахбор Имомхўжаевнинг мазмунли шарҳидан ҳузур қилдим.

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.

Суратда: Тожикистон терма жамоаси дарвозасига ғалаба тўпини киритган Зафар Мусабоев (ўртада) тўп учун курашда.

Алишер РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.

ҲАФТАЛИК TV «Тошкент ҳақиқати» TV КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 24

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Мусиқа жавони». Тележурнал.
9.20 «Қалб садолари». Манзарали фильм.
9.30 «Кашф этилаётган имкониятлар». Республикамиз қишлоқларида тадбиркорликни ривожлантириш хусусиятлари ҳақида.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
10.50 «Севгим менинг — андуҳим менинг». Бадиий фильм.
12.20 Футбол. Европа чемпионати.
14.00—14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Университет таълими истиқболлари».
18.40 «Ёшлик» студияси. «Хазина».
19.10 Футбол шарҳи.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!».
21.05 «Ҳумо». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.40 «Санъатга бахшида умр». Халқ артисти Бернора Қориеванинг ижодий кечаси. Алишер Навоий номидаги академик Катта опера ва балет театридан ёзиб олинган.
22.20 «Талқин». Бадиий-публицистик кўрсатув.
22.55 «Олам ва одам». Маърифий кўрсатув.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Европа чемпионати.
01.25—01.35 Тунги концерт.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Палитра».
19.05 «Услуб» (мода янгиликлари).
19.15 «Камертон».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Курьер».
20.15 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Прайм-тайм».
21.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Санта-Барбара». Телевизон бадиий фильм.
23.00—24.00 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Олатов гулдастаси». Телефильм.

Россия жамоат телевидениеси 18.10 — 20.40
*
20.40 «Самарқанд», «Ўғил, набира, чевара». Телефильмлар.
*
Россия жамоат телевидениеси 21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.25—22.30 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультикарусель».
19.00 «Кимга қанақа?»
19.20 «Қўзмунчоқ». Болалар учун дастур.
19.50 «Жаҳон янгиликлари». Халқаро шарҳ.
20.10 Эълонлар.
20.15 «Замин саховати».
20.45 «Етакчилар».
21.00 «Ўтган кунлар».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Акциядор луғати».
21.45 «Умид» (уйғур тилида).
22.15 «Спорт-тайм».
22.45 «Кинематограф».
23.35 Эълонлар.
23.40—23.50 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 25

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ёшлар ва замон».
9.00 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Неъмат Қузибоев». Телефильм.
9.15 Биржа ва банк хабарлари.
9.30 «Кичкинтой» студияси. «Қўнғироқча».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Тақдир». Публицистик кўрсатув.

Ўқув машғулотлари:
10.30 Абитуриент-96. Математика.
11.00 Немис тили.
11.30 Абитуриент-96. Она тили.
*
12.00 «Наманган наволари». Мусиқий дастур.
12.30 «Иван Васильевич касбини ўзгартиради». Бадиий фильм.
14.00 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 АКСЕЛС. Таълим соҳасидаги халқаро алоқалар.
18.40 Болалар учун. «Табиат шайдолари».
18.55 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Бозор иқтисодиёти: муаммо ва ечим».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!».
21.05 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
21.35 «Анъаналар этади давом...» Мусиқий кўрсатув.
22.15 Аброр Содиқов. «Мулкдор». Телеочерк.
22.50 «Санъаткор». Ўзбекистон халқ артисти Турғун Азизов портретига чизгилар.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Ёшлар билан юзма-юз». Таҳлилий кўрсатув.
00.25—00.35 Тунги концерт.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.15 «Блиц». Фотокўрик.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
20.15 «Постфактум».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Кинонигоҳ».
23.25—00.25 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ватанга қайтган хазина». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00 «Телетонг».
18.10 — 20.40
*
20.40 «Бу ажиб дунё».
Россия жамоат телевидениеси 21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.25—22.30 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультикарусель».
19.00 «Халқ саломатлиги йўлида».
19.30 «Шаҳрим — фаҳрим».
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Ўзбекистон — умумий уйимиз».
21.20 «Қуркам сақура».
21.50 Эълонлар.
21.55 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
22.10 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.40 Эълонлар.
22.45 «Америка бизнесининг тарихи». 9-кўрсатув. «Корпоратив бюрократия».
23.15 Эълонлар.
23.20 «Безнен мирас» (татар тилида).
24.00—00.10 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 26

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Санъаткор». Ўзбекистон халқ артисти Турғун Азизов портретига чизгилар.
9.00 «Замин фидойилари». Телеочерк.
9.30 «Соғлом авлод учун!». Спорт дастури.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ишбилармон». Хусусийлаштиришнинг дастлабки самаралари.

Ўқув машғулотлари:
10.30 Абитуриент-96. Кимё.
11.00 Алифбо сабоқлари.
11.30 Абитуриент-96. Физика.
*
12.00 «Гулғунчалар».
12.15 Ўзбек куйларидан концерт.
12.45 «Келинлар қўзғолони». Бадиий фильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «XX аср вабоси». Гиёҳвандликка қарши кураш.
18.40 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
19.10 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Қўшиқлар кўрик-танлови.
21.30 «Мустақил давлатимизнинг ҳуқуқий кафолати».
22.00 «Адашлар». Кинокўрсатув.
22.25 Мусиқий дақиқалар.
22.40 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Дўстлик» — «Сўғдиёна» (ёзиб олинган).
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Европа чемпионати. Ярим финал.
01.25—01.35 Тунги концерт.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юлдузли механика».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Гиннес-шоу».
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 «Санта-Барбара». Телевизон бадиий фильм.
22.55—23.55 «Спорт қитъаси».

III

17.10 Янгиликлар.
17.15 Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00 «Телетонг».
17.20 — 20.40
*
20.40 Мусиқий дастур.
Россия давлат телевидениеси 21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Келажак синовлари». Бадиий фильм.
23.20—23.25 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультикарусель».
19.00 «Экология ва ҳаёт».
19.30 «4-каналнинг эксклюзиви». Литвада Ўзбекистон кургазмасидаги учрашувлар.
20.00 «Нафосат гулшани».
20.30 «Савол — жавоб». Хотин-қизлар учун дастур.
21.00 Эълонлар.
21.05 «Тошкент оқшомида».
22.05 «Рангинкамон» (тожик тилида).
22.35 «Буюк Ипак йўли». Лотерея ўйини.
22.40 Эълонлар.
22.45 «Кинематограф».
23.40 Эълонлар.
23.45—23.55 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 27

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Адашлар». Кинокўрсатув.
9.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
9.15 «Бир дунё болалармиз».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Икки эшик орасида». Публицистик кўрсатув.

Ўқув машғулотлари:
10.30 Абитуриент-96. Биология.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Абитуриент-96. Адабиёт.
*
12.00 Ҳамза номидаги Тошкент Давлат мусиқа билим юрти анъанавий ижро ва созандалик бўлими битирувчиларининг концерти.
12.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» — «МҲСК» (ёзиб олинган).
14.00—14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Форишнинг бир куни». Телеочерк.
18.30 Ўсмирлар учун. «Улғайиш поғоналари».
19.00 «Санъат олами». Мусаввир Рустам Худойберганов.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Қўшиқлар кўрик-танлови.
21.15 «Сўзга сиғинган умрлар». Республика матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган кўрсатув ва концерт.
22.15 «Ер-ер». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Европа чемпионати. Ярим финал.
01.25—01.35 Тунги концерт.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хобби-холл».
20.15 «Мусиқа, холос...»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Автосалон».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Кинонигоҳ».
23.35—00.35 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Арслонбоб». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00 «Телетонг».
18.10 — 20.40
*
20.40 «Эстафета». Спорт кўрсатуви.
20.55 Эълонлар.
Россия давлат телевидениеси 21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.25—22.30 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультикарусель».
19.00 «Компьютер-ревю».
19.25 «Менинг маҳаллам».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Каталог».
21.05 Эълонлар.
21.10 «02» тўлқинида.
21.25 «Эколот-коктейль».
21.55 Эълонлар.
22.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.30 «Кобра». Телесериал (АҚШ).
23.15 «Сизга таъзим!».
23.55—00.05 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 28

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Нафосат олами». Кинодастур.
9.05 «Юзма-юз». Мулоқот.
9.25 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
10.00 Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Хирмон бўлиб тўкилди дон...»
11.05 Болалар учун. «Сеҳрли оҳанглар».
11.35 «Камолот йўли». Маърифий кўрсатув.
12.05 «Бир наво янграр дилимда». Мусиқий композиция.
12.40 «Ёз ҳикоялари». Бадиий фильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эҳтиёт бўлинг, поезд!».
18.20 «Ислоҳот ва масъулият». Қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш.
18.50 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ҳаёт ва қонун». Фуқаролик жамияти ва инсон ҳуқуқлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!».
21.05 «Мактуб — кўнгил ойнаси».
21.45 Санъат усталарининг концерти.
22.20 «Етти иқлим садоси». Халқаро шарҳловчилар давраси.
22.50 «Саҳна ҳаёти».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55—00.25 Эстрада тароналари.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 Мультфейерверк».
18.40 «Бизнес-уик».
19.00 «Сизнинг имконият».
19.10 «Мусиқа, холос».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Видеогид».
20.15 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 ТВ II намойиш этади.
21.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.00—24.00 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Семурғ — бахт қуши». Телефильм.
Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00 «Телетонг».
18.15 — 20.40
*
20.40 «Шоҳсупа сари».
Россия давлат телевидениеси 21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.25—22.30 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультикарусель».
19.00 «3-нуқта». «Учқун».
19.30 «Билиб қўйган яхши».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.30 «Мардона йигитлар».
21.00 «Бизнес-академия».
21.25 Эълонлар.
21.30 «Монитор-Осиё».
22.00 Эълонлар.
22.05 «Бу бўстон аро...»
22.35 «Истеъдодлар ва мухлислар».
23.05 «Дидар» (қозоқ тилида).
23.35—23.45 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 29

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Халқ ижодиёти». Беллашув.
9.25 «Аёл борки, олам мунаввар...» Публицистик кўрсатув.
10.00 «Сирли сандиқ». Телеўйин.
10.40 «Томошабин мактублари».
11.10 Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига. С. Пўлатов. «Оқсарой». Шаҳрисабз шаҳар халқ театрининг спектакли.
13.00 «Замон билан ҳамнафас». «Роҳат» — юксалиш йўлида.
13.15 «Тараннум». Мусиқий дастур.
13.45—15.00 «Менга сўз беринг!». «Симсим, тилсимларинг оч».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Еттига-етти». Телебеллашув.
18.40 «Янгилик изловчилар». Ихтирочилар ва рационализаторлар кунига бағишланади.
19.10 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Бу ажиб дунё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!»
21.05 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
21.55 Дам олиш концерти.
22.25 «Жаҳон ҳафта ичида».
22.40 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

II

18.00 «Мультфейерверк».
18.10 «Ўйинчоқлар растаси».
18.20 Ҳужжатли кино экрани.
19.00 Эълонлар.
19.05 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Бангкок-Хилтон». Телесериал.
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05—23.45 Видео — «О».

III

17.20 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси 17.30 — 22.00
*
22.00 Эълонлар
*
Россия давлат телевидениеси 22.05 — 23.40
*
23.40 Эълонлар.
23.45—00.15 «Баҳодир». Телефильм.

IV

10.00 «Мазза!».
10.15 Эълонлар.
10.20 «Сиз учун учрашув».
10.50 Эълонлар.
10.55 «Ирэндек» (бошқирд тилида).
11.25 «Америка оламига назар» (такрор.).
11.55 Болалар учун фильм. «Азиз».
13.00 «Режиссёр».
13.30 М. Ашрафий. «Севги тумори». А. Навоий номли Давлат академик Катта театрининг балет-спектакли.
14.40—15.05 «Эсдалик учун дастхат».
* * *
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультикарусель».
19.00 «Олам ва одам».
19.30 «Эллада».
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Сайёрамиз садоси».
21.15 Эълонлар.
21.20 «Салом, Франция!».
21.45 Кинонинг олтин асри. «Катта пойга». Бадиий фильм. 2-серия.
23.00 «Бу ажиб дунё».
23.20 Эълонлар.
23.25—23.35 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 30

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Актёрлар ва роллар». Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали театрининг актрисаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сайёра Зоҳидова.
11.35 «Қувноқ стартлар». Саралаш мусобақалари.
12.20 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.50 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
13.40—14.35 «Нурли келажак». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Жаҳонгашта қўғирчоқлар».
18.35 «Мультипанорама».
19.05 «Ойнаи жаҳонда...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Қизил гуллар ғунча-ғунча». Гулбаҳор Сулаймонова куйлайди.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Ўзбекистон — Ватаним маним!».
21.10 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Сўғдиёна» — «Навбаҳор» (ёзиб олинган).
21.55 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дастур.
22.35 «Оқ бино оқшомлари». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00—00.30 «Жаҳон киноси юлдузлари». Софи Лорен.

II


18.00 «Эртаклар диёрига саёҳат».
18.20 Эълонлар.
18.25 «Ал-Биширининг орзу-армонлари». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
19.20 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Табиат шифохонаси».
20.10 «Таманно».
20.20 «Транспорт ва йўловчи».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Футбол олами».
21.35 «Даракчи».
21.45 «Оҳанглар оғушида».
22.25—00.05 Видео — «О».

III

17.05 Дастурнинг очилиши. Эълонлар
*
Россия жамоат телевидениеси 17.15 — 23.05
*
23.05 Эълонлар.
23.10—23.35 «Панорама».

IV

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
10.30 Эълонлар.
10.35 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
12.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.15 Эълонлар.
12.20 «Парле ву франсе?» Француз тили ҳамма учун.
12.50 «Жонли сайёра».
13.10 «Дарвоқе».
13.30 Киносалон. «Тутинган ота». Бадиий фильм. 3-серия.
15.00 «Иштирок этувчилар».
15.30 «Учувчи шифокорлар». Телесериал. 3 ва 4-сериялар (Англия).
* * *
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультикарусель».
19.00 «Телеташриф».
19.15 «ТВ IV да етти кун» (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 Араб эстрадаси.
20.00 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин!»
20.40 «Оқ соя».
21.10 Эълонлар.
21.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.45 Киносалон. «Тутинган ота». Бадиий фильм. 4-серия.
23.20 «Сенинг вақтинг».
23.50 Эълонлар.
23.55 «Бу ажиб дунё».
00.15—00.25 «Хайрли тун!».

«Сув — ҳаёт манбаи» корпорацияси
Тошкентдаги омборидан қишлоқ хўжалиги тракторлари учун Д-144 маркали двигателларни сотади.

Тўловлар сўмларда ҳисобга ўтказиш ҳамда вексел орқали амалга оширилади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Ўрозбоев кўчаси, 1-уй.
Телефон: 29-13-85, 29-60-92.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «СИМО» масъулияти чекланган жамият

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида Навоий кўчаси, 69-уйда қабул қилинади.

Тошкент шаҳар хокимлиги томонидан ХИЧК «Информмадад» фирмасига қарашли дорихонага 1996 йил 2 февралда берилган, амал қилиш муддати 1996 йил 30 июнгача бўлган 001945 серияли, 390/10 рақамли савдо гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48. Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйҳатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0305. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 10040 нусҳа.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 19.00. 1 2 3 4 5 6